

**Ватан, эл-юрт қувончи, унинг ғам-ташвиши билан
яшаш, эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш
- ҳаётимизнинг маъно - мазмунига айланиши керак.**

**Президент Ислам КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан**

Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

2000 йил,
13 - 19 сентябрь № 35 (151)



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб
кириб қолган Ўзбекистон
фуқароларини жиноий
жавобгарликдан озод этиш тўғрисида**

Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатлар ҳудудидаги террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, оғир жиноятлар содир этмаган, Ватанига, ота-онаси бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиришни ният қилган шахсларга яна бир бор имконият бериш, уларнинг беҳуда қурбон бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ҳамда гуманистик тўғй ва интилишлардан келиб чиққан ҳолда:

1. Турли хил экстремистик оқимлар таъсирида чет элларга кетиб, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолган, қўли қонга ботмаган, ўз қилмишидан нодомат чекиб, пушаймон бўлиб бош эгиб келган шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилсин.

2. Ушбу Фармон мазкур шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кириши учун ҳуқуқий асос бўлиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ушбу

Фармон талабларидан келиб чиқиб, террорчилик, босқинчилик билан боғлиқ ҳавф-хатарларнинг олдини олиш, ҳалқимизнинг тинч ҳаётини таъминлаш мақсадида ўз фаолиятини янада кучайтирсин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фаоллари ҳушёрлик ва огоҳликни ошириш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга жиддий эътибор қаратсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонкулов ва Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У.Комилов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,

И.КАРИМОВ
2000 йил 6 сентябрь

ШУ СОНГА ХАБАР

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Сирдарё вилоят ҳокимиятида туман ҳокимлари ўринбосарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, туман, шаҳар прокурорлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иш-тироқида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда диний ақидапарастликнинг олдини олиш, мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»-ги Фармони-дан келиб чиқадиган вазифалар, Ижтимоий кўнлма марказлари иш фаолияти ва ёниги мейлаш мате-

риалларини ноқонуний олиб чиқишнинг олдини олиш масалалари қўриб чиқилди. Йиғилишнинг кун тартибидидаги масалалар юзасидан Сирдарё вилоят прокурорининг ўринбосари Эркин Йўлдошев маъруза қилди. Шунингдек, вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тоҳир Мусаевнинг ҳисоботи ҳам тинг-ланди. Вилоят мутасадди ташкилот-ларининг бу соҳада олиб бораётган ишларига баҳо берилди, камчилик-лар кўрсатиб ўтилди ва галдаги вазифалар белгиланди.

(Ўз мухбиримиз).

СУРХОНДАРЁДА ТЕЛЕМАРАФОН

Сурхондарё вилояти прокуратураси «Адолат тарозиси» газетаси ва «Адолат» телевидениyasi Сурхондарё вилоятида мамлакатимиз мустақил-лигининг 9 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» мавзусида телемарафон ўтказдилар. 5 соат давом этган узлуқсиз кўрсатув мобайни-да вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан қизиқарли лавҳалар намойиш этилди. Телемарафонда вилоят прокурорининг муовини Бозорбой Қоди-ров иштирок этиб, томошабинларни энг улуг байрам билан қутлади ҳамда президентимизнинг яқинда эълон қилинган амнистия тўғрисидаги фармо-нининг аҳамияти ҳақида сўзлади.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» мухбири

ЮРТИМИЗДА ТЕННИС БАЙРАМИ



Р. ШАРИПОВ суратлари

ФАРМОННИ ЎҚИБ ...

ЭГИЛГАН БОШНИ...

Ойнаи жаҳонда юртбошимизнинг «Террорчи гуруҳлар таркибига ада-шиб кириб қолган Ўзбекистон фуқа-роларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»-ги фармони-ни эшитиб тўғрисида тўлқинланиб ке-дим. Дунёнинг ҳеч бир мамлаката-ди бундай бағрикенглик бўлмаган бўлса керак. Фармон Ўзбекистонга қўшни давлатлар ҳудудидаги тер-рорчи гуруҳлар таркибига кириб қолган, лекин оғир жиноятлар со-дир этмаган, Ватанга, ота-онаси бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечири-шни ният қилган шахсларга яна бир бор имконият берди.

Айрим кимсалар хорижий дав-латларга қочиб бориб, ҳалқаро тер-рорчилар қутқусига учиб, арзимас садақа учун Ватанига хиёнат қил-моқда. Айримлари эса ҳамон улар-нинг малайларига айланиб, номақ-

бул сўзлар битилган варақаларни тарқатмоқда.

Биз ҳар кун оммавий ахборот воситаларининг хабарларидан бо-хабар бўлиб бораёلمиз. Бизнинг муқаддас туپроғимизга ёмон ният-да келганлар юртимиз посбонлари томонидан ер билан яқсон қилин-моқда. Она юртимиздан не-не улуг инсонлар етишиб чиққан. Улар дунё маънавиятида ёрқин юлдуз бўлиб порламоқда. Буни дунёнинг маъри-фатли инсонлари яхши билишади. Биз ватанпарвар халқмиз, ёвуз ни-ятли кимсалар томонидан муқаддас туپроғимизни топташига ҳеч қачон йўл қўймайди.

Президентимизнинг бу бағрикен-глигини адашган, лекин ҳали қўли қонга булганмаган ёшлар учун аҳамияти катта имконият деб ту-шундим.

Инсон учун бу ҳаёт бир марта берилади. Лекин ана шу умрни хор - зорликда ўтказиш ҳам мумкин. Аммо ҳақиқий инсонлар юртининг, Ватанининг гуллаб - яшнашига хара-кат қилади.

Мен адашганларга бир сўзни ай-тмоқчиман: - Юрт сизларни қутмоқ-да. Бағрикенг, отадай меҳрибон юртбошимиз сизларни жиноий жа-вобгарликдан озод этиш тўғрисида фармон берди.

Сизлар-ку сизлар, оддий ота си-фатида бу фармонни ўқиб ме-нинг кўзларим намланди. Қалбим тўлқинланди. Азиз болаларим! Им-кониятни қўлдан бой берманг!

Қобил УМАРОВ,
маҳалла оксоколи
Бойвут тумани

ХУҚУҚ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари,
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мэлс Наимов,
Комилжон Исмоилов,
Ботир Пулатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Дилшод Исмоилов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи - 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Ғуломов
кўчаси, 66-уй.
Телефон: 133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма
ва суратлар эгаларига
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланиши мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Наширимиздан кўчириб
босилганда «Хуқуқ»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси остида
чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II MMX - 333
компьютерда саҳифаланди.
Саҳифаловчи Б.САИДОВ.
«Хуқуқ» оригинал-макети

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа конферни
босмахонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буёқ Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г - 852
Нусхаси — 13929

Босмахонага топшириш
вақти 20.00
Босмахонага
топширилди

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

Навбатчи муҳаррир:
Ж. ПАРХОФБОВ
Навбатчи: Н.МАХМУДОВ
Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

УЙҒОҚ ТАҒАҚҚУР

Дарҳақиқат, Ватан дардидек оғир дард, Ватан қувончидан нурлироқ қувонч йўқ. Ватанпарварлик умри боқий мавзу. Ватан - бахт, иқбол манбаи. Ҳақиқий бахт - озодлик ва эркинлик. Ватанга муҳаббат - истиқлол ғояларига садоқат демакдир. Она Ватан учун жон фидо қилиш олий туйғу. Чунки Ватаннинг қамоли, равнақи йўлида фидойи бўлишдек улкан вазифа йўқ. Ана шундай улғу вазифалардан, улғу интилишлардан кўркам! Улар улғу воқеаларни тайёрлайди ва улғу шахсларни вояга етказди.

Республикаимизнинг миллий истиқлолга эришиши нафақат бизнинг ҳаётимизга, балки бутун дунёга таъриблик кетган ватандошларимиз ҳаётига ҳам эрк ёдларини бахшида этди. Чунки инсон ер юзининг қайси бурчагида яшамасин, Ватан биттадир. Давлатимиз фукораларининг буюк мақсад йўлида бирлашувчи уларнинг Ватанга муҳаббати туйғулари амалга ошади. Бу туйғу миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини тарбиялайди.

Мана, фашизмга қарши олиб боришга рушнинг сўнгги тўп овозлари эшитилган пайтдан бери ордан 55 йил ўтди. Вақт ўтган сайин ўша даҳшатли уруш, оламшумул ғалаба ҳақидаги бор ҳақиқатни билишга қизиқиш тобора ортиб бора-япти.

Бугунги доруломон кунларга етиб келмаган оталаримиз, боболаримиз, ғалабанинг пойдеворини яратиб фронт ортида буюк фидойилик намунасини намойиш этган кекса авлоднинг муқаддас хизматларига чексиз эҳтиром кўрсатилиб, «Хотира ва Қадрлаш кўни» белгиланди. Мустақиллик ва эрк, озодлик йўлида шаҳид бўлганлар руҳини шод айлаб, уларнинг номиларини аба-

МАЪНАВИЯТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК

дийлаштириш мақсадида «Айвону абадул-абадлар» оромгоҳи қуриб битказилиши фикримизнинг далилидир.

Ватанпарварлик, миллатпарварлик маслагимиз, наслу насабимизни доимо ёдда сақлашга ундайди.

Ўтган йиллар мобайнида фашизм билан бўлган урушнинг кўп жыллик энциклопедик тарихи яратилди, бир қатор машҳур саркардаларнинг меъмуар эсдаликлари эълон қилинди, уруш даври воқеалари юзлаб, ҳаттоки минглаб санъат асарларида бадиий ифодасини топди.

Хотира китоблари (1941-1945 йиллардаги урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган жангчилар ҳақида маълумотлар) нашр этилди.

Биргина Тошкент шаҳрига бағишланган Хотира китоби тўрт жылдан иборат бўлиб, уларда 52 минг киши тўғрисида маълумот тўпланди.

Ватанимизнинг ана шундай озодлик, эрк учун курашувчи баҳодирларга бой юрт эканлиги ўзгача ғурур ва ифтихор ҳиссини уйғотади.

тарихининг 1-жилди босмадан чиқиши қувонarli ҳол эканлигини таъкидлаш жоиз.

Юртбошимизнинг маърузаларидан бирида «мен учун Ватан озодлиги, халқимизнинг омонлиги, юртимизнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ» деб эътироф этиши фи-

домий инсон ватанпарварлиги намунаси эмасми?

Шундай экан, мактаб ва коллежларда ва бошқа таълим тарбия масканларида, касаба уюшмаларида, жамоат бирлашмалари, иқидий уюшмаларида, миллий маданий марказларда, оммавий ахборот воситаларида, меҳнат жамоаларида ватанпарварлик руҳини қон-қонимизга синдиришимиз лозим. Зотан, халқ маънавий ҳаётининг мазмуни ва енгилмас кучи унинг ватанпарварлигида намоён бўлади.

Н.АБДУАЗИЗОВА,
тарих фанлари доктори

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ КЕЛДИ

СИЗДАН МИННАТДОРМИЗ, ЯХШИЛАР

Ҳақиқат қарор тоғрани учун беҳад хурсанд бўлганимдан ушбу мактубни ёзиб, вилот прокурорига ташақкур изхор этишни ўзимнинг инсоний бурчим деб ҳисоблайман.

Гап шундаки, мен ишлаётган «Наманган-сайёх» акциядорлик жамиятида 1998-1999 йилларда содир бўлган жиноий хатти-ҳаракатлар тўғрисида тегишли идораларга, ҳатто вилот ҳокимлигига ҳам бир неча марта далилий ашёлар билан мурожаат этдим. Лекин натижаси бўлмади. Назорат-текширувлар бир томонлама олиб борилаверди, жиноят эса очилмай қолаверди.

Табиийки, бундай юзакни текширишлардан қониқмадим ва мени қабул қилиб арзимини тинглашни прокурордан сўрадим. Сўхбат чоғида прокурорнинг адолатпарвар, фидойи инсон эканлигини дилдан ҳис этдим. Қабулдан хурсанд бўлиб чиқдим. Унинг топиширигига кўра прокуратура ходимлари томонидан акционерлик жамияти ўрганиб чиқилганда, қонун бузилиш холларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, жамият раиси У. Азизовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш, ҳақиқатни қарор топтириш учун жон қуйдираётган умумий назорат бўлими бошлиғи Б.Холмирозоевга, шу бўлими прокурори Б.Аҳмаджоновга ўз номимдан ва оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман ва сермашақат ишларингизда сизларга омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

А.РОЗИҚОВ,
Наманган шаҳри.

ШУКРОНА

УМР БЕҲУДА КЕТМАСИН

Вақтни оқар дарё дейишса мен авваллари унча ишонмасдим. Лекин кунлар, йиллар ўтаверган сари бунинг қанчалик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиб бораверар экансиз. Ана-мана дегунча ёш ҳам улғайиб, севики набиравларнинг босибига қандай қилиб айланиб қолганига ишонмайсан киши.

Инсон умри давомида ҳамиша бахтли яшашга интилиб ўзича ҳаракат қилади. У дунёга келибдики, доимо шодон кунларини, бахтиёр онларини, бахтиёр йилларини қўзиш учун курашади. Инсон ҳаётининг моҳияти ҳам ана шундан иборат.

Лекин афсуски, шундоқ ҳам ўлғоғли вақтни ҳар ким турлича ўтказди. Кимдир меҳнат орқали ҳалол яшашга интилса, кимдир ўзганинг бахти ҳисобига ўз бахтини қўпайтириш пайида бўлади. Ачинарлиси шундаки, бу билан ўзининг бахтини ҳам бой берганлигини унутди ва бунини то тегишли ҳаёт-соатгача тушуниб етмайди ёки тушунгиси келмайди. Бундай вазиятга дуч келганда албатта ўша инсонга, унинг келажак тақдирига ачинасан. Лекин қонун — бу қонун. Унинг олдида ҳама тенг. Айбдорми, жавоб бериши керак.

Касбимиз экан, бундай ноҳуш ҳолатлар билан тез-тез тўқнаш келамиз. Вазифамиз халқнинг, юртининг тинчлиги ва оёйишталлигига таъминлаш экан, бундай иллатлар билан доимо курашиб келганимиз ва курашамиз ҳам. Бу кураш осонлик билан келмайди, бунинг учун сабр-тоқат, меҳнат талаб қилинади. Лекин мен айнан шу соҳани танлаганимдан ҳечам афсусланмаман. Шу соҳада озми-қўпми меҳнатларимн авзаига «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» унвонига муносиб деб топишган эканман, бошим қўкка етди. Шу мартабага эришимни боисини, аввало мен меҳнат қилаётган Республика прокуратураси раҳбариятининг, ҳамкасбларимнинг бевосита амалий қўмақларидан, ҳурмат ва эътиборидан деб биламан. Бу унвон қучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди.

С.ПОВНОВОВ,
Республика прокуратураси
ташки иқтисодий фаолиятда
коррупция,
талон-тарож ва бошқа
суиистеъмолчиликларга
қарши кураш бошқармаси
бошлиғи ўринбосари

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

БАЙРАМЛАРДА БАЙРАМ УЛАШИБ

Мамлакатимиз бўйлаб байрам руҳи кезиб юрган бир паллада «Қонун ҳимоясида» журнали таҳририяти томонидан муштарийларга нашрининг янги сони тарқатилди. Шубҳасизки, маъмур сөн Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишланган бўлиб, саҳифалардаги барча материаллар ана шу мақсадга ййналтирилган. Зеро, муҳованинг биринчи бетидаги суратлар композициясига нигоҳи тушган ўқувчи бунини дарҳол англаб етади. Суратларда эса бугунги нури ҳаётимиздан баҳоли қудрат ҳикоя қилишга ҳаракат қилинган.

Ушбу сондан эътиборан муштарийлар ҳўқмига ҳавола этилаётган қатор янги руқлар остида ВАТАН мавзусидаги ранг-баранг мақолаларини нашр ййналишида янги бурилиш, янги кира деб баҳолаш мумкин. «Бедор тафаккур», «Ислохот чорраҳала-

рида», «Хуқуқшунослигимиз тарихи», «Олтин мерос» каби руқлар билан эълон қилинган чиқишлар ўз номига мос ва муносибки, бу нашрининг мазмуни, шакли, мундарижаси сезиларли даражада бойиши учун хизмат қилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиоровнинг қаламига мансуб «Қўз нуридай азиз» маънавият ва маърифатимизга бағишланган мўъжазгина мақола ватанпарварлик ғояларини илгари суради. Юридик фанлари номзоди Э.Х.Халилов ўз мақоласида («Ўзбекистонда Парламентаризм мактабининг илк сабоқлари») мамлакатимиз янги тарихида давлат бошқарувининг ўзига хосликлари, уни шакллантириш асосларини чуқур таҳлил қилиб берган.

Журналнинг ҳар бир сонини синчковлик билан қўзатиб борадиган муштарийлар илганга бўлсалар, унинг Мустақиллик байрамлари арасидаги ҳар бир сонида таҳририят жамоаси ўқувчиларга Республика Прокуратураси раҳбарлари билан юзмага-юз бўлиш имконини яратиб берадилар. Бу анъанага бинаош ушбу сонда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, 2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашид Қодиоров билан мурожаат қилинган. «ХХ аср билан озмаюк» деб номланган мақолада Бош прокурор муҳбирнинг саволларига жавоб берад экан, ҳўққ идораларининг янги тарихи, бугунги фаолиятлари, келгуси вазифалари борасида мушоҳада юритади.

«Нигоҳ» руқнида АҚШнинг Ўзбекистондаги факултетада ва мухтор элчиси Жозеф Пресел билан сўхбат элчининг муштарийларга битган дастхоти билан бирга эълон қилинган.

Зарварақанинг 3-саҳифасини «Хорманг, Бурхон ака!» сарлавҳаси остида самийий дилсўзалари бебаз тўрибди. Гап шундаки, қўпгина ҳўққушуносларнинг устози, яқинда 70 ёшли тўйини нишонлаган Бурхон ака Усмоновга шоғирдлар номидан АБ-дуратиш Маннонов ҳам қўтлов, ҳам миннатдорчилик изхор этилган мақола билан иштирок этган.

Хўплас, «Қонун ҳимоясида» байрам кунлари ҳондонингизга кириб боради, у ҳондонингизга кириб боради кўни эса байрам. 2001 йил - ХХI асрининг биринчи йили. «Қонун ҳимоясида» журнали келгуси йили ҳам сизларга байрамлар улашишда давом этади!

Н. МАХМУДОВ

ФАРМОН ВА ИЖРО

ИШОНЧ ВА ИМКОНИЯТ

Жиноятчини жазолашдан кўра, уни тарбиялаш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этган ҳолда жамиятга қайтариш барча учун бирдек манфаатли экани Республика мустақиллигининг дастлабки қунаридаёқ эътироф этилган эди. Ҳар бир адашган шахсга тўғри йўл танлаши, ўз ҳаётини изга солиши учун имконият бериб, бир сафда юришга қўмаклашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу - мустақил давлатнинг инсонпарварлик йўлини танлаганидан илк нишона эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Фармон ана шу инсонпарварлик сиёсатининг давомийлигидан далолатдир. Республика прокуратураси қамоққа олиналганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати бўлими бошлиғи Н.Файзуллаев билан бўлган суҳбат ана шу муҳим воқеа ҳусусида бўлди.

- Мустақиллик Конституцияси сифатида тарихга кирган қомусимизда ҳукукий-демократик давлатнинг тамал тоши қўйилган, унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш биринчи ўринга чиқарилган эди. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланган, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади», деб кўрсатилган. Ушбу тамойиллар ўтган йиллар давомида изчиллик ва собитқадрлик билан риояланиб келинган ва мустақилликнинг қадри кўриб олинган.

Бу асосий ақллари кўлашга ҳам бевосита тааллуқлидир. Амнистия ҳужжатларини қабул қилиш Конституцияга мурофи Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари доирасига қиради ва жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан, жазодан тўла ёки қисман озод қилиш, суд томонидан белгиланган жазо муддатини қайтариш ёки енгил жазога алмаштириш ҳаракатларида намоян бўлади.

1991-2000 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амнистия тўғрисида қатор Фармонлар қабул қилинди. Бу эса давлатимизда инсонпарварлик, одиллик тамойилларига оғимшай амал қилиниб келинаётганининг ёрқин далилидир. Қолаверса, жиноий жавобгарликка тортилган, жиноят содир этиб қилишга яраша ҳақ тўлашган шахсларнинг гуноҳидан ўтиш, кечирish ўзига хос ва амс йўлни танлаб олиб шу йўлдан бораётган давлатимиз ва жамиятимизнинг миллий ҳусусиятларига қиради. Турли сабабларга кўра тўғри йўлдан адашиб, жиноят қўсасига кириб қолган шахсларга ўз ҳақларини тўлатиш учун берилган ва берилаётган имконият ҳамдир.

Демак, билиб-билмай ёки эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир қил-

ганлар ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб турган пайтда гуноҳининг, жиноятнинг аф этилишининг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Юқорида таъкидланганидек, англаб-англамай жиноятга қўл урган шахс ўтган маълум даврда хатосини тушуниб етди.

- Республика прокуратураси томонидан мазкур Фармон ижросини таъминлаш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

- Амнистия тўғрисидаги навбатдаги Фармон Республика прокуратураси ходимлари томонидан тўла ўрганиб чиқилди. Фармоннинг матбуотда эълон қилиниши билан қучга кирганлигини инобатга олиб, жойлардаги барча прокуратураларга, Республика прокуратурасининг бошқарма ва бўлимларида ушбу ҳужжатнинг ижро этилишига қаратилган кўрсатилган берилди. Жазони ижро этиш жойларида қўлаб маҳкумларнинг босқичма-босқич озод этилиши ушбу масалани ҳал этишга масъул бўлган барча идоралар олдида катта масъулиятлар юқалайди. Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг бўлими томонидан фармон ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. 5 сентябрь кўни Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти билан биргаликда маҳкамаларга йиғилиш ўтказилди. Унда мазкур Фармоннинг ижросини таъминлашга қаратилган ишлар бажаришга қаратилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бизнинг олдимизда 4 ой вақт мобайнида амнистия қўлағилиши лозим бўлган фўқароларнинг масаласини қўриб чиқиш вазифаси турибди. Бу эса ўз навбатида жазони ижро этиш муассасалари-

дан озод этилган шахсларни ҳаётга мослаштиришда фўқолик билан иш олиб боришни, билдирилаётган ишончини оқлаш ва мансаб сўио-теъмўчиликларига йўл қўймаслик, ишга ўта масъулият билан ёндошишни талаб қилади.

- Назрулла Фатхуллович, Фармоннинг 1-моддаси «б» - «г» бандларида аёллар, 60 ёшдан ошган эркеклар, вояга етмаган ёшда жиноят содир этган шахслар аф этилиши назарда тутилган. Ушбу ҳолатни сиз қандай баҳолайсиз?

- Бу ерда асосий эътиборни аёллар, 60 ёшдан ошган эркеклар ва вояга етмаган ёшда жиноят содир этган шахсларга қаратилиши ўзига хос аҳамият касб этган. Бу тоифа шахслар алоҳида ёндошушга муҳтождирлар. Йўлдан адашган, ёши ошиб, қариб қолган шахсларнинг ва аёлларнинг панжара ортида ўтириш ҳеч қандай жамият, аиникса бизнинг ўзбекча турмуш таризимизини беэамали. Юрбошимиз Фармонларидаги бу алоҳидлик ана шу миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимиздан келиб чиқади. Вояга етмаган шахс жиноят содир этиб, жазоланганига келсак, инсон боласи йўлдан адашди ва аиникса ёшлигига, қизикқонлигига бориб қилмишидан ўз вақтида тўғри хулоса чиқариб ололмайди. Қонун олдида барча тенг. Жамият манфаатларига хилоф хатти-ҳаракат содир этгани, жавоб бериши лозим. Аммо, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, буюк саналар, яхши қўнарда давлат ана шундай адашганларга ғам-хўрлик қилиши, бошини сўлаши меҳрибонлик, адолатпарварлик белгисидир.

- Ушбу Фармоннинг 10-банди тўғрисида нима дея оласиз?

- Ўзбекистон Республикасининг конституцияни тузумига дахл қилувчи жиноятлар содир этган террористик, экстремистик ва бошқа ноқонуний ташкилот аъзоларига, миллий, ирқий адоват кўзга тиш ва жамоат тартибига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун судланганларнинг қилмишини асло кечириб бўлмайдик.

- Шунингдек, қўроллар, ғиёвандлик моддалари билан қўнунга хилоф равишда муомала қилиш қабжи жиноятларнинг оғир оқибатларга олиб келиши ҳеч қимга сир эмас. Мана шундай ҳолатларга нисбатан қўрашни қўнайитириш лозимлиги ва бундай жиноят содир этган шахсларга афвининг қўланлимаслиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Қолаверса, афвининг бу қабжи шахсларга қўланлимаслиги юртимиз тинчлиги ва осо-йишталлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

«Хукук» мухбири Дониёр ХАЛИЛОВ суҳбатлашди

НОПОҚЛИК БОР ЖОЙДА...

Дилшод шимнинг чўнтагига қўл сўқди-ю, товонигача музлаб кетди. «Пул жигардан бўлади» деганлари рист шекилли, Дилшод ҳам «жигар қони»дан айрилганини билиб, бир зум эсанқираб қолди. Сўнг бир бошдан ҳаммасини эслаб қўришга ҳаракат қилди. Оғайинининг тўйида хизмат қилгани, у ердан чиқиб, бу ёққа олгангани ва Нурия билан Олгага 300 сўмдан пул берганича ҳамма-ҳаммасини бир-бир ҳаёлидан ўтказди. Аммо қанча ўйламасин, пули айнан шу уйга келиб, йўқолган.

МУҲИТНИ ҚАҲВИЗАКЛАР
Ж А Ғ М А Е У

- Кўпроқ пул топишинг керак. Икита боламга қўшиб, сеням боқаятман, шунга яраша ҳаракатингни қил-да, - деди Нурия диванда сўғарета тутатиб ўтирган Олгага.

- Қўрдинг-ку, бугун «ов»нинг мазаси бўлмади, - деди хомушланиб Олга. Нурия «ов»-повинг билан ишим йўқ, ҳар қўни ёган-ичганинг ва уйида турганинг ҳақини тўлайсан» демоқчи бўлди-ю, аммо Олганинг эрта ажин туша бошлаган юзига, қиртайган хорғин кўзларига тикилиб, яна шаштидан қайтди. «Чалпақа ўраб ташласан из қарамайдиган ахволга тўшибди-ку, бунинг нимасидан умид қиламан» ичиди ўйлади у. «Ундан кўра янғисидан, хали тароватини йўқотмаган «свежий»ларидан топишим керак. Агар қўним шунга қоладиган бўлса хор бўламан. Ҳалиям шу аластига қарайдиган эркеклар топиларкан. Аёл киши бўлиб, бунинг афтига қарашга мен жирканаману, эркекларнинг қўнли қандай тортаркан?»

- Уйни саситишни бас қилда, кириб ухла! - Нурия «шаг-шу» қилиб, дераза пардаларини очди-да, тўнғиллаганча нарига ўта кириб кетди.

Олга сўғарета қолдигини деразадан улуктираркан, ҳеч қимга кераги бўлмай қолаётганидан ҳўрлиги келди. Ёшлик даврларини эслаб ич-ичидан батҳар ззилди. «Нахотки қўлаётган бўлсам?». У тошона олдида келиб, ўзига синчиклаб разм солди. Пешонаси ва шаҳро кўзлари атрофида тизимча бўлган ажинларни бармоқлари билан силаб қўйди. Эрта қарийтганини қўриб кўзлари ёшланди. Сўнг бунинг хатто ўзидан ҳам яшироқли бўлгандек, шошилини пардоз қўтисига қўл узатди.

Энди қўзи илинган Олга кўча зилигини таққиллаганидан чўчиб, уйғониб кетди. Ҳаял ўтмай ташқаридан Нуриянинг алпақадар эркек билан гўнғиллаб гаплашаётган овози эшитилди. Бир пайт Нурия уни қақира бошлади:

- Олга, Олга, чик буюкка!

Олга уйқўсираб айонга чиққанида у ерда Нурия бегона бир эркек билан гаплашиб турарди.

- Олга, сен бугун мана бу эркек билан бўласан, - деди Нурия дабдўрустан.

- Йўқ, менга сендан бошқаси керакмас, эркек шундай деб Нурияга хиралик қила бошлади ва чўнтагидан пул чиқариб уни узатди. Нурия эса пулни олишга олиб, яна унга Олгани тикишари бошлади. Олга ҳам бор маҳоратини ишга солиб, унга қарашма қилди...

Олга билан эркек ичкарига кириб кетаётганида Нурия секин келиб унинг қўлига шипшипда:

- Чўнтагига пули қўп экан, билдирмай тинчти.

Олганинг бу гапдан норозиланганини қўриб, Нуриянинг қоши чимирлиди.

- Ҳа нима? Қўрдинг-ку, хатто шу мастинг ҳам сента қарагини келмади. Аранг унга сени ўзим елимлаб епиштирдим-ку, яна ноз қиласанми? Сента «шанс» яратётганимдан хурсанд бўлсанг-чи, ахмоқ. Пулни арра қиламиз. 3-4 кечада топадиган пулнинг, бир кечада ишлаб оласан.

Дилшод бу мовий кўз жувонни бағрига тортаркан, унинг кўзларида ялтираётган қўғ, ўзи ёққан «иш» олови эмас, балки чўнтагиди пулнинг ҳарорати эканлигини билмасди...

- Олдингми? - эшик олдида поклаб ўтирган Нурия, Олганинг ташқарига чиққанини қўриб, югуриб унинг олдида келди.

- Ҳа.

- Қанча экан?

- Етти минг икки юз йигирма беш сўм.

- Эй яшавор!

Улар севинчлари ичига сиймай, пулни ошхонанинг шифти орасига беркитишди. Дилшод ўйдан чиқиб, «пулни топ» дея тўполон қилганда ҳам, милиция ходимлари келиб, бу икки «бизнесмени» сўроқ қилганда ҳам улар «ҳеч нарсаси бўлмади» дея без бўлиб тураверди. Аммо ашвейи далиллар билан жиноятлари исботланган, уларнинг қўп нарсаси билишлари аён бўлди.

Нурия Нуғманова ва Олга Юдиналар қилмишларига яраша жинсий жавобгарликка тортилди.

Аёлни йўлдан қарадиган аслида эркек киши, дейишади. Қўчада қўринган қиз-жувонга сўйқалиб, уларнинг ортдан эргашиб кетаверадиган эркеклар озми бу дунёда. Тўғри, биз бу билан фашх ботқоқига ботган, текин пул топиш ва беш қўнлик қаифа сафо учун ҳар қандай жирканчақлардан қайтмайдиган Олга ва Нурияга ўқашимсаларнинг қилмишларини оқламоқчи эмасмиз. Аммо уйда покиза жуфти-халол, фарзандлари бўла туриб, қўнғилиннинг қинғир кўчаларига бўйлайдиган, ҳалол насибасини ҳаромга сарфлайдиган Дилшодга ўқашимсаларини нима деб аташ мумкин?

Иқром НАСРИДДИНОВ,

Қамаши туман прокурори, 1-даражали юрист
Гулрўх ЕРМАТОВА журналист

ЖИНОЯТ ҚИЛДИНГИЗМИ?

Одатда ўғриллар илк «тажриба»ларини ўзларига яқин бўлган қонадонлардан тукум, товўк ва шунга ўқашай майда нарсаларни ўмуришдан бошлашган. Аммо, бизнинг «қахрамон»имиз туманимизнинг К.Раҳматов жамоа ўқажлиги Қарғатепа қишлоғида яшовчи нўргўл йигит Орифбой Маҳмамов эса бундай аризмалар ўғирликлар учун номини бадном қилиб ўтирадиган анойилар хилдан эмас.

Ҳаларини белгиланган бошладди. Ўғри йигитлар ёнларига Эгамберди Хўшвақтов, Фўломжон Шамсиев, Фахриддин Қаршиев сингари қўл-оёғи қачқон йигитларни тўлаб, ишончли халқа тузишга қарор қилишди.

тегишли бир бош гунажин, Қарғатепа қишлоғилик Х.Раҳабов боқу-видига қаттақон ҳўқиз, «Забардаст» хиссасдорлик жамиятига қарашли бўлган бозор нархи 65 минг сўмлик гунажин гўмдон бўлди. Бола-ча қамга, бирор яхши қўнунига ишла-

Қаршиев ва вояга етмаган Қамолддин Эргашевларнинг қўларига темир қишан солиниб, одил суднинг қора курсисига олиб келинди.

Ким билсин, ЖҚКнинг тегишли моддалари билан турли йилларга

ЎҒИРЛАК ЭШАКДАН БОҒЛАНДИ

Шундай қилиб, Орифбой ҳаёли-ларида ялғиб етилган ниятларини бажариш пайига тушди. Ёнига дўсти Қаҳрамонбойни тортиди. У билан аввал ўз қишлоғи, кейин тўташ гузарлардан қўлаб бўлган «объект» танладилар. Хатарсиз бўлиши учун «иш»га ҳали вояга етмаган Қамолддин Эргашевни ҳам қўшиб олишди. Ўғриллар ишга киришди. Қарғатепа қишлоғида яшовчи К.Бобаноровга тегишли бўлган бир эшак, ундан кейин Бог-чақалон ширкат ўқажлиги Шағалон қишлоғида яшовчи фўқаро Аҳмад

Ражабовнинг ҳўтик ва эшагини ўқажлик даласидан осонгина ҳайдаб бозорга кетишди. Бозорда эшаклар пулланди.

Излар ўчиб, ваҳималар бости-бости бўлғач, Орифбой билан Қаҳрамонлар яна ўрашди. Ютқулар билан бир-бирларини олқиш-лашиб, сердаромад бўлган бу «хўнар»ни яна давом эттириш ре-

Сокин тун қаърида енг шимариб, ишга киришадиган чапдаст азаматлар оранган қишлоқда бири-кетин қорамоллар йўқола бошлади. Э.Абдиев номли жамоа ўқажлигининг 10-бригадаси даласида фўқаро А.Қўрбановга тегишли яғрини қирдай ҳўқиз, К.Раҳматов жамоат ўқажлиги Жағалбойли қишлоғида яшовчи фўқаро Н.Қўраева

таман деб боқилган моллари бир кечада гўйиб бўлиб қолган фўқаролар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Сабр қосалари тўлган жабрдийда фўқаролар бири-кетин қонунини ҳимоя қилувчи идораларга мурожаат қила бошладилар. Ориф Маҳмамов, Қаҳрамон Абдусаломов, Фўломжон Шамсиев, Фахриддин

озодликдан маҳрум этилган бу ёшлар, тегишли жазони ўтаб, озодликка қайтишар. Аммо эшак ўғир-си, мол ўғирси деган ном бир умр-лик тамга бўлганини улар билишармикан?

Абдусалом САМАДОВ,

Хатирчи туман
прокурори

ЙЎЛ БОШИДА АДАШМАНГ!

ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ - ТАРБИЯ

Республика прокуратураси воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи
Норбой БОБОЕВ билан суҳбат

- Норбой ака, суҳбатимизни бевосита сиз бошчилигида қилаётган бўлим фаолиятдан келиб чиқиб, воёга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг республикадаги аҳоли тўғрисидаги маълумотлардан бошлашасан...

- Воёга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими фаолиятининг асосий бўғини ҳисобланади. Ушбу мавзуда фикр юритар эканмиз, аввалом бор ёшларимизнинг таълим-тарбияси, ўқиши, бандлигини таъминлаш борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижобий ишларни айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Шуни алоҳида қайд этишни истар эдимки, кейинги 5-6 йил оралиғида ёшлар билан ишлаш, уларнинг бугунги ва эртанги ҳаётини эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг амалга киритилиши, ушбу тизимда тубдан ислохотларнинг ўтказилиши фикримизни тасдиқлайди. Қолаверса, бу йилни «Соғлом авлод йили» дея бежиз атамадик. Бу хайрили иш ҳам айнан ёшларимизнинг истиқболини ўйлаб улар қиёфасида юртимизнинг порлоқ келажаги учун қилинаётган амаллардан биридир.

Юртимиздаги томонидан ёш авлодининг ҳуқуқий онгини ўстириш мақсадида ўрта, умум ва бошқа таълим масканларида ҳуқуқ фанларини чуқур ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. «Маърифат маънавиятга олиб келади» деган йўл. Бугунги кундаги яхши ишларимиз, келгуси авлод баркамоллиги учун хизмат қилиши шубҳасиз. Бугун қандай кўчат эксан, эртага шундай мева оламиз» дейди Президентимиз.

Энди бевосита саволингизга қайтасан. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа мутаассадидорлар томонидан воёга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида бир қатор ижобий ишлар олиб боришмоқда. Бироқ ютуқлар ўзимизники. Аммо бу борада хато ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки қилинган ва қилаётган ишларимиз ҳозирги давр талаби даражасида эмас. Оқибатда бу ҳолат ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб, воёга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг айрим ҳудудларда ўсишига олиб келмоқда.

2000 йилнинг биринчи ярмида республика бўйича воёга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилга 6 ойига нисбатан 12,1 фоизга камайган. Аммо

бу кўрсаткич айрим ҳудудларда, масалан Хоразмда (14,3 фоизга), Андижон (12,8 фоизга), Жиззах (12,5 фоизга), Сирдарё (2,5 фоизга) вилоятларида ошган.

Республика бўйича ўсмирлар ўртасида майда ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ўтган йили шу даврга нисбатан камайган бўлсада, бу кўрсаткич Наманган, Жиззах, Қашқадарё, Тошкент ҳамда Навоий вилоятларида ошганлиги аниқланган.

Воёга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг юқорида қайд этиб ўтилган ҳудудларда ўсишига нимага сабаб бўлган? Мен бунга қисқача қилиб масъулиятсизлик, дея жавоб берган бўлар эдим. Нега? Аввалом бор, ушбу ҳудудларда ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш суст аҳволда. Воёга етмаганлар ўқиш, турли тўғарақ ва мактабдан ташқари муассасаларда машғулот билан тўлиқ банд қилинмаган. Ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ёшлар тарбияси билан жиддий шугуллана олмаяптилар. Ички ишлар идораларининг воёга етмаганлар иши билан шугулланувчи нозирлари, ҳокимият қошмадаги комиссияларнинг хизмат вазифаларига лоқайдлик муносабатиде бўлаётгани ана шундай камчиликларга сабабчи бўлмоқда.

- Маълумки, ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Аксинча, унинг бу йўлга киришда маълум бир шарт ёки муҳит асосий омил бўлиб хизмат қилади. Мактаб, оила ва маҳалладаги таълим - тарбия жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бугун ана шу жаҳонлардаги фаолиятдан қўлингиз тўлаими?

- Дарҳақиқат, ҳар қандай жиноятнинг олдини олишда энг асосий восита тарбиядир. Тарбия шахс онгини муайян жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда тарбия қилиш ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда иштирок эттиришга қаратилган барча таъсирлар мажмуидир. У эса ўз вақтида таълим билан узвий боғ-

лиқдир. Энг аввал тарбияга оила масъулдир. Кейин эса турли жамоат ташкилотлари, радио, телевидение, матбуот ҳам тарбияга қучли таъсир кўрсатади. Болага тарбия беришни унинг келишидан оқибатда бошлаш зарур. Бу ишни бир кун ҳам кечиктириб бўлмайди. Она аллеси болада одамзодга меҳр-шафқат туйғусини уйғотади. Қани, ўзининг айтинг, қандай меҳри бор одам қандай қилиб бировга қўл кўтаради?

Бизда «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган гап бор. Бу гапнинг замирида олам-олам маъно ётади. Демак, бир боланинг тарбиясига етти маҳалла масъул ҳисобланади. Ҳўш, ўша бола жиноят содир этса, етти маҳалладаги фуқароларнинг бирортаси ўзини гуноҳкор ҳисоблаб, ҳеч бўлмаса виждони азоб чекадими? Мени кечирасиз-у, ҳамма ҳам шундай эмас.

Фарзандини қўшнисининг ўғли уриб, бурнини қонатгани учун суд-ма-суд, милиция идораларида айбонхонасола қилинганлар оз дейсизми? Қани бизда шарқона босиқлик, андиша, ор-номус деган муқаддас тушунчалар?

Ҳуқуқимиз бугунги кунда айнан маҳаллаларга эътиборни кўчайтираётгани беҳиз эмас. Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, иккинчи оиладир. Оиланинг рисоладагидек бўлишида, ёшлар тарбиясида қўни-қўшниларнинг, маҳалла-қўйнинг таъсири кучлидир. Ўсмирлар оёри-йўли маҳалла оқсоқолларидан хай-иқиб турадилар, уларнинг салобати таъсирида ўзларини ноҳўя ҳаракатлардан тийдилар. Кимдирдан хайқилган бола бебош бўлиши турган гап.

Мен ёшларнинг жиноят кўчасига киришда ишисизлик, иқтисодий қийинчилик каби баҳоналарни рўқча қилинишига қўшилмайман. Ўтиш даври қийинчиликлари ўткинчи бир ҳолдир.

Бизнинг биринчи галдаги вазифамиз ёшларимиз онгидеги маънавий бўшлиқни тўлдирish зарур. Юртимизда бежиз миллий мафкура хуусида қўйиниб гапиряётгани йўқ. Ёшларимиз онгидеги ватан, ватанпарварлик каби тушунчаларни шакллантиришга лозим. Ўз

ватанини сидқидилдан севган, оиласини, қўни-қўшниларини, бориқки маҳалласини ҳурмат қилган, унинг қадриятлари, урфи-одатини чуқур билган ўсмирдан ҳеч қачон жиноятчи чиқмайди.

- Гиевандлик аср вобоси сифатида талқин этилаётган бугунги кунда бу муаммо юртимиз ҳуқуқ-тартибот органлари, қолаверса бу тушунча жамоатчилик ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Айниқса, қўлаб воёга-етмаган шахслар ҳам ана шу оғу исканжасига тушиб қолаётми...

- Одатда жиноятчилик ҳақида гап борганда, киши кўз олдида ўғирлик, босқинчилик, қотиллик каби ҳодисалар келади. Негаки, уларнинг оқибати яққол кўзга ташланади. Бироқ шундай жиноятлар ҳам борки, кўринишидан беозор бўлгани билан оқибати даҳшатлидир. Шулардан бири - гиевандликдир.

Гиевандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш инсон соғлиги ва ҳафсизлигига жиддий таҳдид солади. Айниқса, бу жиноятнинг воёга етмаганлар орасида тарқалганлиги катта фожеадир. Бундай вазиятларда минглаб фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг ҳаёти хавф остида қолади. Шу боис, БМТ бош қотиби Кофе Анан ҳам 1998 йилнинг июлида қорардори муаммоларига бағишланган халқаро анжуманда сўзлаган нутқида ташвишланиб, «Гиевандлик моддалари жамиятимизни парчалаб ташламоқда, унинг оқибатида жиноятчилик урчимоқда, спид масалалари пайдо бўлмоқда, у бизнинг келажагимиз бўлган ёшларни нобуд қилмоқда», деган эди.

Республика прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда воёга етмаганлар ўртасидаги гиеванд моддалари билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ва уни бартараф этиш масаласига алоҳида аҳамият беришмоқда.

Қаерда қонун ишламаса жамоатчилик бепарво бўлса, жиноятчилик қуяди. Мамлакатимизда гиеванд моддаларни етиштириш ва

сотиш қонунчилигимизга қўра қатъиян таъқиқланган. Бу аҳоли соғлиғи энг катта бойлик ҳисобланган, соғлом авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган мамлакат табиғатиға тўла мос келади.

Аммо беш қўл баробар эмас. Афсуски, гиеванд моддаларини етиштириш ва сотиш билан шугулланувчи шахслар ҳали ҳам учраб турибди. Улар орасида воёга етмаганларнинг ҳам борлиги кишини ташвишлантиради.

Самарқанднинг Ургут туманида яшовчи воёга етмаган Санжар Сафаров қўшини Хурсан Тўхлиевага 0,2 грамм миқдордаги «героин» гиевандлик моддасини сотганини учун 8 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Шунингдек, Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида яшовчи, 1982 йилда туғилган Раъно Ҳамроева шу йилнинг 9 феврал кун фўқаро Ю.Химага 0,36 грамм «Олий» гиеванд воситасини 1200 сўмга сотаётган вақтида ички ишлар ҳодимлари томонидан қўлга олинган. Унинг уйи тинтув қилиб қўрилгандан у ерда сотиш учун мўлжалланган 15 бўлақдаги 2,24 грамм «Олий» ва 2,6 грамм «маркуана» гиевандлик воситалари топишган.

Ўзингиз ўйланг, балоғат оstonасида турган қизларимизнинг гиеванди билан шугулланиши аянчли ҳол эмасми? Ахир, улар эртага ана бўладилар. Ундайлардан соғлом авлодни қутиб бўладими? Хоразм вилоятининг Ургенч шаҳрида яшовчи, 1982 йилда туғилган Дилобар Собирова ўз уйда гиеванд воситаларини истеъмол қилиб, 2000 йилнинг 7 январ кун воёга етмаган Сардор Абдуллова гиеванд воситасини истеъмол қилдириб ўтирганида ички ишлар ҳодимлари томонидан ушланган.

Жада ачинарли ҳолат. Аммо, бу муаммонинг ечиш учун бугун жамоатчилик биргаликда курашмас экан, оқибати ана ҳам ёмон бўлиши мумкин.

- Сўнги савол, айтингиз ўз ишларингиздан қўлингиз тўлмаган пайтлар ҳам бўладими? Шундай пайтда қандай йўл тутасиз?

- Қизиқ савол. Албатта, баъзан ўйланган режаларнинг ҳаммаси ҳам амалга сошавермайди. Ана шундай пайтларда, уларни қайта қўриб чиқиш, қаерда янглиганимни ўйлаб қўраман. Ва ўз-ўзидан уни тузатишга ҳаракат қиламан.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ
суҳбатлашди

ПРОКУРОР ВА НАЗОРАТ

Яқинда Россиянинг «Труд» газетасида қизиқ бир мақола ўқиб қолдим. Оиласида янги фарзанд туғилишини қутаётган бир ёш ўқитувчи гўдакни меъёрида едириб, қийинтириб, тарбиялаш учун нима керак бўлса иқир-қиқирга ҳисоблаб пулга чаққан экан, йигирма минг рублдан ошиб кетибди. Бояқш ўқитувчи 600 рублгагина ойлик олар экан. Россия аҳолисининг охириги ўн йилликда ҳар йили салкам бир миллион кишига қаматганлигининг бир сабаби балки шундир. Тақослаш учун шуни айтишим лозимки, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда аҳоли сони ўсса ўсдики, қамайиш қайд этилгани йўқ.

Ана энди мундага ўтасан бўлади. Бугун Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисмини ўн саккиз ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этади. Уларнинг ҳар томонлама етуқ, баркамол воёга етишлари учун конституцияимиз, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари» ва «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида кўп ишлар қилинмоқда. Уларни бир-бир санаб таъкидлаш ошмоқчи эмасман. Гап шундаки, ишламаган одам хато қилмайди дейдилар. Фарғона вилоят прокуратураси вилоят халқ таълими бошқармаси (ХТБ)га қарашли ўқув ва мак-

табгача тарбия муассасаларида Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сонли (03.09.1999) қарори асосида ўз ички иқтисодий қисмида фойдаланиб, қўшма маблағ ишлаб топилшини қонунчилиги юзасидан текшириш ўтказганда бир қатор жиддий камчилик ва қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

ХТБ тасарруфидеги ўқув муассас-

лари иқтиёрида қўшимча даромад топиш ҳисобига бюджет маблағларини қўлайтириш учун 330,9 гектар бог, 154,1 гектар буғдой экилган майдон, шунингдек 5183 та дурадгорлик, 3370 та чилангарлик, 457 та фрезерлик, 704 та тоқарлик дастохлари, 3649 та тоқув машинаси бўлса-да, мавжуд иқтисодийлардан етарли даражада фойдаланилмаганилиги оқибатида белгиланган режа-

лар бажарилмаган. Жумладан, Фуркат туманидаги 17-мактабга қарашли 1 гектар ерда 1999 йилда олинган 128 350 сўм даромаднинг мактаб директори Ю. Маназаров ҳисоботда 60 000 сўм деб қўрсатганини қандай тушунмоқ керак? Олтириқ тумани халқ таълими бўлими ҳисобидеги Т-28 русумли трактор сойқ бошлиқ У.Иброҳимов томонидан 1994 йил май ойидаги шартномага асосан О.Ҳакимов бошлиқ қилаётган фермер

ҳўжалигига ойига 20 000 сўм тўлаш шарти билан ижарага берилган. Шартнома мuddати 1996 йилда тузган бўлишига қарамай, халқ таълими бўлимининг ҳозирги бошлиғи Х.Иброҳимов тракторни қайтариб олиш ёки ижара ҳақини ундириш чорасини кўрмаган. Мактабларга қарашли қўлаб транспорт воситалари ойига 5-10 минг сўмдан ижарага берилётган бир пайтда Риш-

қонунбузарликларни бартараф этиш хуусида тегишли ташкилот раҳбарларига 22 та тақдирнома, 10 та амрнома киритилган. 20 нафар мансабдор шахс расман оғохлантирилган, 71 нафар шахс интизомий, 8 нафар шахс маъмурий жавобгарликда тортилган. Бир ҳолат юзасидан ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми билан жиноят иш қўзғатилган. Ниҳоят, ижарачилар томонидан тўланмай қолган 163 200 сўм маблағ ундирилиши таъминланган.

Асримиз бошларида Авлоний ҳазратлари «Таълим биз учун ё ҳаёт ё мамот масаласидир» деб эҳзам эди. Бу калом халигача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Врач билан сапёрнинг хато қилишга ҳаққи йўқ дейдилар. Назаримда таълим муассасаларида ишлаётган кишиларнинг ҳам масъулияти бошқаларникидан ошқ бўлиши керак. Негаки, гайрқонуний ҳатти-ҳаракатдан қамда қўнгил хижил бўлади. Хижил қўнгил билан ёшларга эзгу таълим бериб бўлмайди.

Ҳасан НИШОНОВ,
«Хуқуқ» мухбири

ТАЪЛИМ ВА МЕЗОН

АРМОН

Бобур исмли бир бола бор. Эндигина 10 ёшли қоралаган бу мурғак вужуд 6 йилдирки армон, соғинч, ўқинч номли залворли туйғуларни елкасида кўтариб юришга мажбур. Унинг кўзларидаги ғамни ҳеч ким қувончга айлантиролмайдди. Болаларнинг байрами ҳам унинг чўққан кўнглини кўтаролмайдди. У фақат чўқур хўрсинади. Ота-онаси ёнида эркаланиб келаётган болакайларга кўзи тушса, бир лаҳза тек қотиб қолади. Кўзларида ёш айланиб, «Дадажон, нима қилиб қўйдингиз?!» дея пичирлайди.

Олти йил олдин Самарқанд шаҳрида содир бўлган бир қотилликдан энг кўп жабрланган ҳам Бобуржон. Ҳар сафар «Соғлом авлод йили» деган ёзувга кўз тушганда, бахтли болаликдан мамнун фарзандлар қаторида жиноят ботқоғига ботган кимсаларнинг ҳам мунгайган зурриёдлари борлигини ўйламлигининг илжои йўқ. Жазони ихро этиш муассасаларидаги маҳкумларнинг ҳам ота меҳрига, парваришига муҳтож бўлган камида 2-3 тадан боласи бор. Уларнинг мунг тўла болалиги, келажаги, тарбияси ҳақида фикрлаш оғир. Бобуржон ана шундай болаларнинг биттаси, холос. Унинг бошқа маҳкумларнинг фарзандидан фарқи отасизлиги эмас, фарзанд учун борино бергудек фидойи онаси ҳам йўқлигидир.

Одилжон Отаевнинг жиноий ишини варақлаганда, шундай маҳзун хаёллар исканжасига тушиб қолади киши.

1994 йилнинг 15 апрели сокин ўтган эди. Ўша кунни тунда Бобуржон сўнгги бор онасининг кучоғида сўнгги аллани эшитиб, эркаланиб ухлаган. Бироқ уйқудан уйгонганда...

Одил тунда уйига қайтди. Хотини Моҳира ўғлини ухлатиб, уни котиб ўтирган экан.

-Ярим кечаси ичиб, кимнинг кучоғидан келаясиз?

-Нима деяпсан? Ким деб ўйлаяпсан мени?

-Ўша ишонангиздан топиб олган ойимчангизнинг олдида боргандирсиз? Юрагим сезиб турувди. Ҳеч бўлмаса болангизни ўйлаб ҳаром-ҳариддан ўзингизни тийсангиз бўлармиди?

ҚАЙТАРИБ БЕР ОНАМНИ

-Тўхмат қилма. Хали бирортага илакишганим йўқ. Сал оғриқларинг-ни қамайтурсанг бўларди? Баҳоналаринг, «инқ-синқ»ларинг кўпайиб кетяпти. Ишдан келишим билан талайсан. Оғзингни ёп. Бошқоронғи бўлган битта сенми?

Одил бориб, хотинининг қакагини ўчириш максатида кўкрагига бир мушт туширди.

Моҳиранинг гаплари энди йиғи аралаш чиқарди. Уйдаги шовқин-сурондан уйғониб кетган тўрт ёшли Бобуржон уйқусираган ҳолда ота-онасини кузатарди.

-Ўчир овозингни. Ўзинг бирортасини топиб олгансан. Хатти-ҳаракатингдан сезилиб турибди. Менга қайрилиб қарагинг келмайди. Кўнглинг бировда-да.

Рашк, ишонсизлик тўла гапларни тўкиб олган Одил тинимсиз жавраётган хотинининг оғзини бақувват қафлари билан ёпди. Сўнг қайиш билан бўғди. Унинг кўзлари олайиб кетаётганини кўриб, ўзига келди ва қайишни бўшатди. «Шилк» этиб ғилам устига чўзилиб қолган, ҳозиргина хонада овози янграб турган Моҳиранинг кўзларида ҳаётдан нишон кўринмасди.

Одил кўржиб кетди. «Тур, Моҳира, энди рашк қилмайман. Кўзингни оч». Афсуски, бу

нинг илжои йўқ эди.

У титроқ кўллари билан жавонлардаги кийимларни титиб ташлади. Уйга ўғри киргану хотинини ўлдириб, ағдар-тўнтар қилиб, чиқиб кетгандек манзара ҳосил қилди. Йиғлаётган Бобур онасининг оёғидан турткилаб,

туришини сўрарди. Кошки ҳаммадан гўзал, ҳаммадан яхши ойижониси туролса-да, уни бағрига босиб аллаласа.

Одилжон чиқиб кетди. Тонгги 4 га яқин қўшинларидан Истам Гадоимурдовнинг эшигини тақиллатди ва командировкадан қайтганини, уйда хотини ўлиб ётганини айтди. Истам ва унинг хотини югуриб келишди.

Ҳар кунни кўриб, гурунглашиб юрган Моҳиранинг бўйи узайгандек эди. Мурданинг оёғига бош қўйиб Бобуржон кўзда ёши билан ухлаб қолган. Бир қўли билан онасининг устидаги тунги қўйлакни маҳкам ушлаб олганди. Улар дарҳол болани уйларига олиб кетдилар.

Эрталаб қизининг бошига тушган мудҳиш хабардан гангиган она неварасини уйғотди:

-Бобуржон, онамга нима қилди?
-Дада бўғди, дада бўғди, - деб Бобур кўчалари билан томоғини кўрсатди. Одилнинг қотил эканлиги фош бўлди. У ҳеч кимга гапирмас, ҳорғин, нуқул бир хил овозда «ҳаётинг қизиги қолмади, ҳаммаси таомом бўлди» дерди. Терговчининг саволлари жавобсиз қоларди. Суд психиатрия экспертизасининг ҳулласига кўра, Одил Отаевда руҳий ҳолатнинг вақтинча бузилиши қайд этилди ва даволашга юборилди.

Кўни қўшни, таниш-билиш бари бу воқеага ҳайратланиб қарашди: «Одилжон-а?! Йўқ бўлиши мумкин эмас. Шундай ақли расо йигит қотилликка қўл урса-я?! Яна олий маълумоти. «КамАЗ» автомаказининг бош инжениери. Отаси, акаси намага берилган эди. Шу боис отаси оиласи билан яшолмасдан,

эрта ўлиб кетди. Энди ўғлининг ҳам болалиги отасиз ўтарканда?! Уни-ку онаси катта қилди, ўқитди, уйлантирди. Бобуржонни на онаси, на отаси... Ҳеч кимнинг бошига солмасин бу қўруқлики».

Ҳа...Асосиз рашк, ишонсизлик, шубҳа-гумон туфайли гуллаб турган бир боғ ҳазонга юз тутди. Моҳира бу дунёга Бобурни қолдириб кетган бўлса-да, вужудда эндигина ҳаётга талпинаётган ҳомиласини ўзи билан олиб кетди. Одилнинг, Бобуржоннинг ҳам бахти, хотиржамлик у билан кетди.

18 йилга озодликдан маҳрум этилган Одилжон Отаев олти йилдан буён Моҳирасини ўлдириб қўйганлигидан минг пушаймон бўлди. То қайтувчи балоғат ёшига етадиган Бобуржоннинг маъёус кўзларида қандай қарашни ўйлаб безовталанади.

Бобуржон эса ота-онаси билан яйраб юрган болаларга термулиб, ерни «ойи, ойи» деган ёзувга тўлдирди. «Қайтариб бер онамни» деб хитоб қилади. Бу хитобга жавоб йўқ.

Ҳафиза ЭҒАМБЕРДИЕВА,
журналист

БИР ЖИНОЯТ ХРОНИКАСИ



Бухоро вилоят прокуратураси ходимлари ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга жиддий эътибор билан қарамоқда. Суратда: Вилоят прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларни ижро этиш устидан назорат қилиш бўйича прокурор ёрдамчиси М. Воҳидов 2 - сонли даволаш интернати ўқувчилари билан ҳуқуқий мавзуда сўхбат ўтказмоқда.

Қуёш қондалаш бошини алвон уфққа қўяр экан, бостириб келаётган зимистон кўйиндан фалокат отлиг чавандоз қилич қайраб, от қамчилаб зир югуриб ўғлини излаётган отанинг, бемажол онанинг бағрини тилкалаш учун елаётганидан ҳали ҳеч ким беҳабар эди.

Тун ярими... Тўлини ой ёруғида чайла кўринди. Ота яқинлашаверди. Ўйдим-чўқур дала, юмшоқ тупроқ тобора юришини қийинлаштирар, ота эса жадаллашга уринарди. Тезлашди. Югургилди. Лекин оёқлариға нимадир ўралашиб йиқилди. Қўллар билан тираниб ўтирди. Оёқлари остига қаради... Ўн саккиз минг оламни бенуқсон яратган пок тангри кўзларини яратмаганида қани эди... Э-воҳкин ота даҳшатли манзарани кўриб тошқотди... У ўғлининг бошини даст кўтарди. Қон қотган сочларни силди. Юмилмай қолган кўзларни бағрига босди. Ўғлининг танаси йўқ эди. Фалокат шу тариқа келди.

Унинг ўғлининг исми Дилмурод, 11 ёшли, қўл-оёғи енгилгина бола эди. Ўша кунни улар бошқа иш билан кетишар экан, Дилмуроджонни маккажўхори, тарвуз экилган далага қоровуллик учун жўнатишди. Ҳар кунги юмуши бўлганлиги сабаб хавфсирашмади ҳам. Кечга яқин бола қайтиб келмади. Қишлоқни излаб чиқибди.

Йўлда эса кимдир қишлоққа Йўлчи келибди деб хабар қилди. Йўлчи дегани худобезори деб ном таратган бола. Қўшни Пхтаобод кўрғонидан Улуғободга, янгасиникига келиб-кешиб туради. Илгари ҳам бир-икки марта безовта қилган. Ўғли

билан унинг нима иши бор. Излашда давом этди. Ярим кечада эса минг тахлика билан чайлага борди.

Ўғлининг азиз бошини кўтариб, йиғлаганча югурди. Каерга кетаяпти билмайди. Милиция участка нозирининг олдида ўзига келди. Тезда қўшнилар тўпланди.

Яна далага боришди. Зовур бўйида ўғлининг оёқ, кўллари алоҳида тахланиб турар, кийимлари ерларчин эди. Худонинг олдида нима гуноҳи бор эди-ки, бунчалик шафқатсизликка дучор қилмас...

Сирдарё вилояти прокуратураси, ички ишлар ходимлари томонидан тузилган гуруҳ жиноятчини тезда топишга муваффақ бўлди.

Жиноят ишидан: Ўринбоев Йўлчи Турсунбоевич, 1980 йил 27 июнь кунни Сирдарё вилояти Шахроф Рашидов туманида туғилган. 1995 йили судланган. 1999 йил 3 сентябрь кунни янгаси Соатова П. нинг уйига - Гулистон шаҳар «Паррандачилик» ҳўжаллиги «Улуғобод» қишлоғига келади.

бўшатди:

-Хали ҳам сен ўлмадингми?
Арқонни чалажон Дилмуроднинг бўйига сиртмоқ қилиб солди. Каттиқроқ тортиди. Оёқлар бир силтаниб, қотди. Қотиллик жазаваси кўзиганда, уни тўхтатиш амри маҳол экан...

Ҳаммасидан ажабланирлиси, у Дилмуродни бўғиб ўлдириш билан чекланмади. Жон берган болани ташлаб, катта тарвузни олиб чиқди-да «Қотиллик учун тўлов» сифатида мазза қилиб қорнини қаппайтирди. Дунё дунё бўлиб бундай разиллиқни, бундай инсоний қиёфани йўқотган маҳлуқни кўрмаган эди.

Йўлчи зовур ичига тушиб олди. Бошига ўтлардан қалпоқ кийди. Уни барибир кўриб қолишди. Эшак минган болалар унга кесак отишди. Шундан кейин чиқашга мажбур бўлди. Янгасиникига келиб кийимларини ювди. Эртасига эса қўлга тушди.

Суднинг қарорига биноан Йўлчи Ўринбоев Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2 қисми в.ж.и.д бандлари билан айбдор деб топилиб, 20 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Жиноят содир бўлди. У юз бермаслиги мумкинми? Ҳамма гап қотил маъनावиятининг саълигида. Атрофдагиларнинг лоқайдлигида. Эҳтимол бу тахлит бешафқатлик учун фақат қотилнинг ўзи жавобгар эмасдир. Унинг тарбиясига таъсир кўрсатган муҳит кўп нарсани белгилайди. Бир донга тарвуз учун бутун бошли инсонни босиб-яниб ўтиш инсоний қиёфага хос ҳодисаи? Соғлом одам шундай қадам қўйиши мумкинми? Бу қанчалик ҳақиқатга яқин? Экспертиза натижалари эса Йўлчининг мутлақо соғлом, руҳий жиҳатдан қўрсўсиз эканлигини тасдиқлайди. Нима бўлганда ҳам бундай жиноят бошқа тақрорланмаслиги учун курашишимиз зарур.

С. ХўЖАНАЗАРОВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси
тергов бўлими бошлиғи

ТУБАНЛИК

Лекин янгасининг уйида ҳеч ким йўқ эди. Кундуз соат 14.30 ларда Йўлчи Д. Отабоевга тегишли далага келди. Таъмагирик максатида тарвуз пайкалига кирди. Оч бўри қиёфасидаги Йўлчиға биз билган Дилмурод қарши чиқди. Оғохлан-тиришга қарамай Йўлчи йўлидан қайтмади. Чорасиз Дилмурод унга қаратиб кесак олди. Шундан кейин ўн саккиз ёшли пахлаван киноларда кўрганидек иш тутушга қарор қилди. Нарирокда турган эшакнинг арқонини кесиб олиб, ўн бир ёшли қўрбонига ташланди. Уни арқон билан бўғди-да судраб кетди. Икки юз-уч юз метр юрганидан сўнг арқонни

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

— Сиз кимнинг тарафдасиз? - Жиззах шаҳар судининг судьяси Н.Элчибоев мени айнан шундай савол билан қўтиб олишини ўйламагандим. Бу савол нимани ифодалар экан деб бир оз ўйга чўмдим ва мухтарам судьяга мухбир сифатида қонун талаблари ва адолат нуктаи назаридан масалани ўрганиб чиқиш мақсади билан келганлигимни ўқитишга тўғри келди. Жавобим Н.Элчибоевдан қанчалик таассурот қолдирди билмадим-у, лекин мен ўрганаётган ишга оид жаноб судья чиқарган ҳукм низога батамом нукта қўя олмаганлигидан таажжубландим. Келинг, ҳаммасини бир бошидан...

**«ЛОЧИН»НИНГ
ҒАЛАТИ ПАРВОЗИ**

Дастлаб фермерлиқни ортиқча даҳмаза, бейфойда машғулот деб ҳисобловчилар анчагина эди. Янгилик мана шу тариха қўтиб олиниши бор гап. Кейинчалик шундай фикрдагиларнинг бир қисми ортага чекиниши, бир қисми эса жиддий тўсиққа айланиши ҳам аънавий ҳодиса. Начора, мустақил давлатимизда эркин тадбиркорликка кенг йўл берилаётган, иқтисодий ислохотларнинг ўзани бозор муносабатлари томон йўналтирилган шароитда ундан иқтисодий манфаатдор бўлмаганлар ҳам, янгича фикрлашни хоҳламайдиганлар ҳам топилади.

Зарбдор тумани «Шарк юлдузи» ҳўжалигида яшовчи Турат Бобобоев «фермер бўламан» деб отилиб чиққанида буни ҳар ким ҳар хил қабул қилди. Бу полвон амаки ҳақиқат келиб фермерлик ҳаракати тарихига киришини қаердан ҳам билибди. Очқик гап у фермерлик орқали ўз шахсий манфаатини кўрди. Эҳтимол, бойлик орттиришни ҳам мўлжаллагандир. Ҳалоллик ва инсоф билан топила буюрадиган бойликни ҳавас қилиш айб эмас. Хуллас Турат ака яхши ният билан иш бошлаган вақтда собиқ Иттифок ҳали тарқалмаган, 1990 йилнинг 28 майи эди. Ушунда «Лочин» фермер ҳўжалигини ташкил этиш тўғрисида биринчи (!) қарор қабул қилинди. Бир фермер ҳўжалиги тўғрисида етти марта қарор чиқарилиши ҳақидаги «қисса» ҳам шу тариха бошланди.

Чорвачилик йўналишида иш бошлаган Турат ака тез орада дастлабки муваффақиятларни қўлга киритди. 1992 йил 2 декабрда туман ҳўқимининг 272-сонли қарори билан қайта рўйхатдан ўтказилган «Лочин» фермер ҳўжалигига 64 гектар ер ажратилишида ҳам шу муваффақиятлар ҳисобга олинган бўлса ажаб эмас. Шу тахлит иккинчи бор қайта тўғрилган «Лочин» фермер ҳўжалиги аъзолари енг шимариб ишга киришдилар. Гоҳида ютиб, гоҳида ютказиб, баъзан эса қамчилликларга ҳам йўл қўйилди. 1998 йил январь ойида Зарбдор тумани ҳўқимининг 45-сон қарорига биноан тумандаги 48 та фермер ҳўжалиги солиқ инспекциясига ўз вақтида ҳисобот топширмаганликлари боисидан фаолияти тўхтатилди. Жуда аянчли ҳолат. Туманда бирданига 48 та фермер ҳўжалиги ёпила-у, бунинг учун бор-йўғи солиқ идорасига ўз вақтида ҳисобот топширилмаганлиги асос қилиб олинса. Ахир бу фермер ҳўжалиқларининг туман ишлаб чиқариш салохиятидаги ўрни, стратегик маъвкени ҳисобга олиниши зарур эмасмики? Ҳисоботни ўз вақтида топширмамаслик албатта нокўнонуний ҳолат! Лекин наҳотки, кечириб бўлмас, шафқатсизликка сабаб бўладиган ҳолат бўлса?

Туман ҳўқимига тавсия жўнатган туман солиқ инспекцияси раҳбарияти ҳам бу ҳўсўда атрофлича мулоҳаза юритиши лозим эди. Бинобарин, масалани ечининг ҳақиқий қўнонуний йўли маъжуд бўлган бир шароитда бундай чорамга «қўл урилиши»нинг субъектив сабаблари маъжуд эмасмики? Эътибор беринг...

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси 135-моддаси 4-қисмида солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим

этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ва белгиланган шаклда тақдим этмаганлик учун солиқ тўловчидан тўлов мўддатга ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдориди, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов мўддатига тегишли

ион 300-сон қарориди ҳам фермер ҳўжалигини рўйхатдан ўтказиш тартиби белгиланган. Унга мувофиқ илгари фаолият юритиб келаётган барча дехон (фермер) ҳўжалиқлари қайтадан рўйхатдан (қўнон асосида) ўтказилиши лозим эди. Бинобарин, «Лочин» фермер ҳўжалиги тўғрисида «Шарк юлдузи» ширкат ҳўжалигининг 1992 йилда чиқарган қарори ўз қўчини йўқотган ҳисобланади. Қўлаверса, қўнон ҳўжжатларида қайтадан ташкил этишда қўшиб юбориш, қўшиб олиш, ажратиб чиқариш, ўзгариштиришга назарда тутилган, ҳолос. Лекин эътироз туғиладики, фермер ҳўжалиги қайтадан ташкил этилган экан, уни тўғатиш эмас, балки қўнонга мувофиқлаштириш ҳам мўмкин эди-ку! Чўни гап пировард натижада туман

эркин тадбиркорликни ривожлантириш нуктаи назаридан фермер ҳўжалигига ён босиши, унга 35 гектар ерни ижарага бериш учун ижара шартномаси тузишга рози бўлиши инсофдан бўларди. Лекин айнан 506-сон қарор (охиргиси) А.Эргашевга етиб келмаган, у бу қарорнинг қабул қилинишида иштирок этмаган. Айнан шу қарорни етказиб беришга маъсўл бўлган туман ҳўқимияти умумий бўлим мудури А.Усмонов ҳам вазифасига лўқайдлик билан қараган. Яъни қарорнинг А.Эргашевга етиб боришини таъминламаган. Қарорларнинг барча нўсхасини Т.Бобобоевга бериб юборган. Шу тахлит бошқа идораларга ҳам бу қарор етиб бормаган. Т.Бобобоев А.Эргашевга бир неча марта мурожаат қилганлиги табиий

билан ижара шартномаси тузганида, олам гулистон эди. Қўпланмаган ҳаражатлар Т.Бобобоев томонидан қўпланарди, ҳолос. Бунинг ўрнига ерга талашиш каби оддий ҳўжалиқларро низога берилиб кетилди. Туман, қўлаверса юртимиз тараққийига чўл берадиган бундай ҳолатга ҳўшёрлик билан муносабатда бўлинмади.

А.Эргашевнинг кассация тартибидидаги шикоятига асосан ишни қўриб чиққан Жиззах вилояти суди фўқаролик судлов ҳайъатининг ажримига биноан туман суди қарорининг асосий қисмлари ўз қўнида қолдирилди. А.Эргашевга нисбатан молиявий чоралар билан биргаликда ЖҚнинг 205-моддасига биноан жинойий иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чўқариб берди.

ҚАНОТИ ҚАЙРИЛГАН «ЛОЧИН»

ЁХУД ЕР ҲАКИҚИЙ ЭГАСИНИ ТОПАДИМИ?

тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундириш назарда тутилади.

Мана, ўзингиз ҳўлоса чиқаравэринг. Оқўридаги фермер ҳўжалиқлари ёпиласига молиявий жазога тортилиши лозим эди, ҳолос. Ёки Солиқ Кодексининг 131-моддасига биноан ўқор низолар суд томонидан ва юқори солиқ органлари томонидан қўриб чиқилиши лозим эди.

«Лочин» фермер ҳўжалиги ҳам ўз вақтида ҳисобот топширмай қўнонбузилишга йўл қўйган. Гарчанд Турат Бобобоев бу вақтда касалхонада бўлган бўлса-да, фермер ҳўжалигидан бундай масъулият олиб ташланмаслиги рост. Туман ҳўқимининг қарорига биноан фаолияти тўхтатилган «Лочин» фермер ҳўжалиги бир йил давомида «бейс» йўқолди. На тўғатиш комиссияси ишлади, на муҳрлар топширилди ва ҳўказо... Турат Бобобоев нўхот тумандагиларни нокўнонуний чоралар белгиланганлигиа ишонтари олди. 1999 йил 28 январьда туман ҳўқимининг 59-сон қарорига биноан «Лочин» фермер ҳўжалиги фаолияти қайта тикланди. Ушбу фермер ҳўжалигига оид тўртинчи марта туман ҳўқимининг қарори қабул қилинди. Шу билан ишга нўқта қўйилган дерсиз? Қаёқда, биз сизга «қисса»-мизнинг бошида ваъда қилган энг қўқоқ воқеалар ҳали олдинда.

Туман прокурорининг протести-га биноан туман ҳўқимининг 59-сон қарори нокўнонуний деб топи-ди. Ва Зарбдор тумани ҳўқимининг 1999 йил 443-сон қарорига биноан «Лочин» фермер ҳўжалигининг фаолияти тўхтатилди. Гап нима ҳақда кетмокда?

Гап шундаки, «Фермер ҳўжали-ги тўғрисида»-ги қўнонунинг 6-мод-дасида фермер ҳўжалигини таш-кил этиш тартиби белгиланган. Унга мувофиқ қишлоқ ҳўжалиқ кооператив фермер ҳўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани маж-лис ҳўмоқамасига киритади; уму-вий мажлис бу ҳўсўда тегишли қарор қабул қилади. Туман ҳўқими-нинг қарори айнан шу ҳўжжат асо-сида қабул қилинади. Туман ҳўқи-мининг 59-сон қарори айнан шу ҳўжжати-сиз қабул қилинган. «Фер-мер ҳўжалиги тўғрисида»-ги қўнон-ни амалга ошириш мўддатлари ва чора-тадбирлари ҳақидаги Вазир-лар Маҳкамасининг 1998 йил 15

ҳўқимининг 1998 йил январь ойида-ги 45-сон қарорининг нокўнонуний қабул қилинганлиги ҳақида кетмок-да. 59-сон қарор шу ҳатоликни тўғри-лашга бағишланган эди десак му-бўлага бўлмас. Наҳотки, бутун бош-ли туман ҳўқимияти қўнонга му-вофиқ қарорларни юридик экспе-ртизадан ўтказишга қўдир кадр то-пилмадас?

506- СОН ҚАРОР ВА СУД

Зарбдор туман ҳўқимининг 1999 йил 21 августдаги 443-сон қарори-га биноан фаолияти тўхтатилган «Лочин»-чиларнинг қўраши давом эди. Зарбдор туман ДФХ уюшмаси раиси С.Шералиевнинг 2-сонли хати, фермер ҳўжалиқлари ташкил этиш ва улара ер ажратиш бўйича Зарбдор туман ишчи комиссия-сининг ҳўлосаси ҳамда Зарбдор ту-ман фермерлар уюшмаси раиси Н.Каримовнинг ҳўлосасига асосла-ниб «Лочин» фермер ҳўжалиги ту-ман ҳўқимининг 1999 йил 21 октяб-рдаги 506-сон қарорига биноан қай-та тикланди!!! Бу ҳўлосаларда ни-малар битилган? Албатта фермер ҳўжалигини қайта тиклаш зарурати асослаб берилган. Лекин ширкат ҳўжалигининг йиғилиш қарори маъ-жуд бўлмас экан бу ҳўлосалар ҳеч қандай юридик акт вазифасини ўтай олмайдди. Бўни биз юқорида аъ-салаб бердик.

Ушбу қарорга асосан 64 гектар ернинг 35 гектарини фермер ҳўжа-лиги ихтиёрида, 25 гектарини «Шарк юлдузи» ширкат ҳўжалиги ихтиёри-да қўлдирishi қўзда тутилган. Туман ер тўзувчиси шу қарор асосида те-гишли ҳўжжатларни расмийлашти-рган! Худди шу ерда Турат Бобобе-ковнинг собиқ мактабдоши Абду-мажид Эргашев қиссамиз саҳнаси-га «қалқиб чиқади». Гап шундаки, А.Эргашев «Шарк юлдузи» ҳўжали-гининг раиси вазифасида ишлар эди. 506-сон қарор чиққан вақтда фермер ҳўжалиги ихтиёрига ўтка-зилиши лозим бўлган 35 гектар ер фўқаро К.Алматовга ижарага бе-рилган эди. Оқўридаги юридик акт-ларни нокўнонуний деб ҳисоблаган А.Эргашев 35 гектар ерни фермер ҳўжалиги ихтиёрига беришдан бош тортиди. Қисман у ҳақ эди. Лекин у ҳам пировард натижада 1998 йил январь ойидаги 45-сон қарорининг нокўнонуний қабул қилинганлигини эътиборга олган ҳолда, қўлаверса,

ҳол. Лекин А.Эргашев ерни бериш-ни хоҳламаганлиги аниқ. Бўнга унинг асоси ҳам бор эди.

Турат Бобобоев судга мурожа-ат қилишга мажбур бўлади. Жиззах шаҳар судининг судьяси Н.Элчибо-ев раислигида 2000 йил 21 апрел қўни бўлиб ўтган судда ушбу маса-ла қўриб чиқилди. Суд қарорига биноан А.Эргашевдан моддий ва маънавий зарар ундириш тўғриси-да ва 35 гектар ерни Т.Бобобоевга қайтариш тўғрисида ва шўнингдек А.Эргашевга нисбатан ЖҚнинг 205-моддасига биноан жинойий иш қўзғати-ш тўғрисида қарор чўқариб бе-рилган. Иш мана шу тахлит мўрак-каблашиб борди.

Шу ўринда шўнча мўжарога са-баб бўлаётган ер аслида кимнинг ихтиёрида эди деган мўҳим бир саволга жавоб бериш лозим. 1998 йил январьдаги 45-сон қарор чиқи-ши билан фермер ҳўжалиги тўғати-лиши, ер ҳам ҳўжалиқ ихтиёридан олиниши лозим эди. Лекин қарор-нинг ўзи нокўнонуний бўлганлиги бо-исидан «Лочин»-чилар ерни ширкат ҳўжалигига қайтариб бермаганлар. Хўш, роппа-роса бир йил ер ким-нинг ихтиёрида бўлган? Сарсон-сар-гардон бўлган! 1999 йил 21 август қарори (443) чиққанидан сўн А.Эргашев ерни ҳўжжатлар билан қабул қилмаган бўлса-да, ундан фойдала-нишга киришган. 1999 йил 506-сон қарор чиққанида у ерни Х.Алматов-га ижарага бериб юборган эди. Эркин тадбиркорликни ривожлан-тириш нуктаи назаридан А.Эргашев 506-сонли қарорни қўнонга муво-фиқлаштиришга қўмақлашиши, қўлаверса нокўнонуний қарор асо-сида икки йилдан бери сарсон бўлиб юрган Т.Бобобоевнинг шикоятини, интилишларини ҳисобга олиб, у

Суд А.Эргашевни 35 гектар ерни нокўнонуний эғаллаб олган деб ҳисоб-лайди. Бу ерлар ширкат ҳўжалиги ихтиёрида бўлмаган деб таъкид-лайди.

Шўнингдек, қайд этиш лозимки, туман ҳўқимининг қарорига биноан «Лочин» фермер ҳўжалиги фаоли-яти тўхтатилган бўлса-да, аслида бу вақолат анчайин чекланган. Фақат-гина суд қарори асосидагина ва шўнингдек, ҳўжалиқнинг қарорига асосангина шўндай тўхтамга келиш мўмкинлиги қўнон ҳўжжатларида қўзда тутилган.

Суд ишни Т.Бобобоевнинг фойда-сига ҳал қилган бир фўрсатда Зар-бдор туман ҳўқимининг 2000 йил 13 июндаги 202-сонли қарорига биноан «Лочин» фермер ҳўжалиги фаолияти яна тўхтатилди! Шу та-риқа еттинчи марта туман ҳўқимли-ги «Лочин» фаолияти ҳақида қарор қабул қилди. Туман прокурорининг протести-га биноан 506-сон қарор нокўнонуний деб топи-ди. Бинобарин иш яна мўраккаблашиб кетди. Бир тарафда суднинг ҳал қилув қарори, бир тарафда туман ҳўқимининг қаро-ри бир-бирига зид бўлиб қўлди.

Жиззах вилояти қишлоқ ҳўжали-гига тўб бурилиш ясаш қўп жиҳат-дан иқтисодий муносабатларнинг янгича шакли бўлган фермерлар ҳарақатини қўллаб-қувватлашга ҳам боғлиқ. Бироқ юқоридаги ҳолат бу борадаги қўраш қайси жараёнда кечаётганига битта, лекин типик мисол бўлса ажаб эмас. Ҳар ҳолда... сўнгги сўзни ҳўқўқ-тартибот идора-ларидаги мўтахассислар айтишади деган умидламан.

**А.МУСТАФОКУЛОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири**



Сураткаш нигоҳида табият

ДУНЁ, ДУНЁ...

ИШОНМАГИН ДЎСТИНГА...

Ит инсоннинг дўсти, дейишди. Ёшлиқда бу гапни тасдиқловчи китобларни жуда кўп ўқиганимиз. Киноларда кўрганимиз. Ҳақиқатан ҳам итларнинг ўз эгасига содиқлиги, унга садоқат билан хизмат қилиши ҳам бор гап. Аммо баъзан бу жониворнинг ҳам «жазаваси кўзиб» турар экан. Қозогистоннинг Павлодарск вилоятидаги Евгенийева қишлоғидаги уйлардан бирида ит 6 яшар болани ўлар ҳолда талаши қишлоқ аҳолисини ҳайратда қолдирди.

Полиция хабарига кўра, болакай қишлоқда яшовчи бобосиникига меҳмонга келган. Уйда ҳеч ким йўқлигида ҳовлига чиққан болакайнинг кўзи ҳовлининг бир бурчагидаги боғовли итга тушиб, унга яқинлашди. Қўтилмаганда ит ўзини болакайга ташлади. Хукук-тартибот ходимларининг айтишларича, боши ва танасининг турли қисмларидаги қаттиқ жароҳатлар оқибатида касалхонага келтирилган. Бироқ кўп қон йўқотганлиги боис унинг ҳаётини сақлаб қолишини иложи бўлмади. Ҳа, доно халқимизнинг «Ишонмагин дўстинга...» деган нақли яна бир бор ўз тасдиғини топган кўринади.

ШҲҲЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

Португалиянинг 76 фоиз аҳолиси 16 ёшгача бўлган жиноят содир этганларга нисбатан аёвсиз чора кўрилиши тарафдори экан. Бу ҳақда Лиссабонда чоп этиладиган «Эшпрессу» ҳафталиги хабар тарқатди. «Эшпрессу» бу хабарни аҳоли ўртасида ўтказилган сўровномалар натижасига асосланган ҳолда тарқатган эди. Ушбу социологик тадқиқот шуни кўрсатмоқдаки, ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг кўпайишига асосий сабаблардаги бири - «ёш жиноятчиларга нисбатан кўрилатган чораларнинг енгиллигидир. Мутахассислар фикрича, кейинги ойларида Португалияда воғга етмаганлардан ташкил топган жиноий гуруҳлар хуруж ортиб бормоқда. Бензакалонкалар, дўконлар, ҳимоясиз кишилар уларнинг ўлжаси бўлиб қолмоқда. Айниқса, аҳолининг 84 фоиз ўзини хавфсиз ҳис қилмаётган Порту шахрида болакайларнинг «шўхлиги» ҳаддан ошиб кетган.

ЭСИС, ЁШЛАР

Португалия Европа қитъасида ВИЧнинг ёшлар ўртасида тарқалганлиги кўрсаткичи бўйича 2-ўринда туради. Ушбу жабрдийдалар 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлардир.

Бу кўрсаткич бўйича Украина 1-ўринда турибди. Мазмунолар ЮНИСЕФ минбаридан айтилди. Унга кўра, 0,6% португалиялик ёш йигит ва 0,3% ёш қиз болалар ВИЧ вирусини ташувчилар ҳисобланадилар.

Бу кўрсаткич бўйича Европада 3 ва 4-ўринларни Швеция ва Испания эгаллаб турибди.

ХУРОСОНДА НИМА ГАП?

Эрон ҳукуқни муҳофаза қилувчи идораларининг маълумотига кўра, мамлакатнинг шарқий вилояти ҳисобланган Хуросонда бир ойнинг ўзига 53 нафар наркочуръёр ўлдирилган. 1281 нафари эса қамоққа олинган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу вилоят Афғонистон билан чегарадош ҳудудда жойлашган.

ТАШРИФ

Хонанда элга ўзига хос овози, гўзал қўшиқлари билан танилади, серкирра истеъдоди-ю ижоди билан янада шухрат қозонади. Таниқли санъаткор Маҳмуджон АЗИМОВ шундай бахтга муяссар бўлиб, кўндан-кўп жозибдор қўшиқлари билан муҳлислари сонини янада кўпайтириб келмоқда. «Хукук» газетаси ўқувчилари учун ҳушозов хонандамининг тегишли мавзулардаги фикр-мулоҳазаларини билиш қизиқарли бўлиши шубҳасиз.

- Маҳмуджон ака, инсоннинг ўзлигини англаши ўз ҳақ-хуқуқини танишдан бошланади, деган гап бор. Ушбу фикрни сиз қандай тушунасан?

- Фикримча, комил инсон юксак маънавияти, гўзал маданияти билан ажралиб туради. Ўзликни англаш эса Ватанни, халқни, миллатни ҳам англаш демакдир. Бу инсон маънавиятида ҳуқуқий онглилик ҳам катта ўрин тутишини кўрсатади. Ўз ҳақ-хуқуқини билган инсон адолат, ҳақиқат учун курашар экан, эзгулик, яхшилик тантанаси учун ҳам, Ватани, халқи учун ҳам курашган бўлади. Шукрки, бизда азалий қонунлару меъёрларга асосланган, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозловчи ажойиб ҳуқуқий тарбия тизими бор. Фарзанд-ларга болаликдан ҳақ-хуқуқлари борасида оилавий таълим-тарбия берилиши шу тизимнинг етакчи халқаларидан бири. Умуман, оилада ҳуқуқ-тартибот соҳаларида ишлайдиган инсоннинг бўлиши ҳам бошқалар учун ғоятда аҳамиятли деб ҳисоблайман.

- Шу мулоҳазаларини ўз оилангиз мисолида кенгроқ ёритсангиз...

- Биз оилада беш ўғилмиз. Падари бузрукворимиз «хаммангиз биттадан соҳани ушласангиз, бир-бирларингизга қанот бўласизлар», дердилар. Энг катта акамиз - Баҳодир Маҳситов ҳуқуқшунослик йўлини танлаганлар. Кўп йиллар Республика Адлия вазирининг муовини, Тошкент вилоят ҳокими муовини бўлиб ишладилар. Ҳозирда Республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитасини бошқармоқда. Акамиз қолган 4 ўғилга бош бўлиб, барчамизнинг камолатимиз учун кўп куч-қувват сарфлади. Бизни ҳуқуқ ва бурч, қонунларга нисбатан алоҳида муносабатда бўлишга ўргатди. Шахсан мен ҳаётда доимо қонуний иш юритилишини истайман. Хусусан, оддий, кичик нарсалардан тортиб катта ишларгача қонунга ҳурмат устувор бўлмоғи керак. Айниқса, эл назарига тушган инсонлардан бу борада янада масъулиятли бўлиш талаб қилинади. Айтайлик, светофорнинг яшилини кутмай, қизилида ўтиб кетилса... Ахир, кўрганлар «Фалончи-ку, қилгани ишини қара-я» демайдимиз, бошқача ҳулоса чиқариладими?!

- Ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари борилаётган ҳозирги жараёнда яна нима ларни алоҳида таъкидлашни истардингиз?

- Мухтарам Президентимиз Исроҳ Каримов «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Бу мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қондаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳоли, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир» дея халқимизга теран тараққиёт ғоссини белгилаб бердилар. Ҳозирги пайтда ҳуқуқ-тартибот, қонунчилик соҳалари, шу жумладан, прокуратура ходимлари ҳам ушбу ғоядан келиб чиққан ҳолда катта масъулият билан, фидокорларча меҳнат қилишмоқда. Жамиятимизда адолат, қонунчилик устувор бўлиши учун улар бор куч-қувватларини сарфлаб, сидқидилдан, садоқат билан ишлашяпти. Бажрамжон деган жияним бор, шахар прокуратурасида ишлайди. Унинг кечаю кундуз тинимсиз меҳнат қилиши мисолида прокуратура ходимларининг фаолияти қанчалик сермашаққат, заҳматли эканлигини юракдан ҳис қиламан.

Мана, машъум 16 февраль воқеаларини оилалик. Давлатимиз дахлсизлиги, ха-



ФАЁЛЛИК
МИЛЛАТ ЮТУҒИ

лқимиз осийишталиги учун ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари озмунча куч сарфлашдими?! Уларнинг сабр-матонати, жасорати, ҳушёрлиги боис келажагимизга, фаровон, осуда ҳаётимизга хавф солган бало-қазонинг олди олинди. Айни кунларда ҳам улар ўз вазифаларини астойдил бажаришмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот тизими ходимларининг шундай ҳалол, фидокорона меҳнати халқимизга ҳам куч-қудрат бағишлайди, ҳар бир кишининг юрагига «мени ҳимоя қилдиган қонунлар бор, ҳимоячилар бор» деган ишончини янада мустаҳкамлайди. Бу ишонч-умидларни оқлаш ғоятда улкан вазифа, албатта.

- Фуқароларимизнинг жамият ҳаётидаги иштирокчини қандай баҳолайсиз?

- Мустақиллик шарофати билан одамларимизнинг ҳуқуқий онги янада ўсди, фаоллиги кучайди. Илгаригидай ёппасига «қўл кўтаришлар» энди йўқ.

Ҳозир ватандошларимиз ҳар бир ишни бажаришдан олдин ўйлайдиган, фикр-мулоҳаза юритадиган бўлиб қолишди, ўз ҳақ-хуқуқлари учун курашишга ўрганишяпти. Бир мисол. Олий Мажлис депутатлигига сайловлар даврида бир ой турли жойларга бориб, концертлар бердик. Сайловчилар ўзлари хоҳлаган, ҳақиқатан муносиб номзодларни қўллаб-қувватлашга интилишди. Бу халқимизнинг ютуғи, миллатимизнинг ютуғи. Халқнинг уйғониши миллатнинг бахт-саодати, давлатнинг равнақи ҳам демакдир.

- Кечаётган жараёнлар ижодингизга қандай таъсир кўрсатадими?

- Юқорида 16 февраль воқеаларини эслаб ўтдик. Худди ўша пайтда ҳурматли Президентимиз ниҳоятда олижаноблик, инсонийлик намунасини кўрсатди, қилмишига иқрор бўлганларни кечирди. Бу мени жуда ҳаяжонлантирди, ҳис-туйғуларимни «Адашгани кечиради менинг халқим» деган қўшиғимда ифодалашга интилдим. Бу қўшиқ 16 февраль воқеаларига бағишланган фильмдан ҳам ўрин олди.

Яқинда Туркиянинг Анталия шаҳрида ўзбек кураши бўйича II жаҳон чемпионати бўлиб ўтганидан ҳамма хабардор. Курашимизни дунё микёсига чиқариш, халқаро даражада оммалаштириш учун қанча-

лаб куч-ғайрат, интилиш-изланишлар талаб қилинди, ахир! Шу ҳол ҳам мени илҳомлантирди, шоира Сайёра Тўйчиева шеъри билан «Ўзбегим полвонлари» қўшиғини яратди. Бу қўшиқнинг ойнаи жаҳонда тез-тез берилиб, оммалашиб бораётганлиги, муҳлислар томонидан кўп талаб қилинаётганлиги ҳам курашимиз, полвонларимиз нуфузи, обрў-эътибори ошаётганлигидан далолатдир.

Ҳозирда ажойиб бастакор Мирҳосил Азиев билан ҳамкорликда янги қўшиқлар устида иш олиб бормоқдамиз. Насиб қилса, шу йил муҳлисларимиз эътиборига янги концерт дастурини ҳавола этмоқчимиз.

- Таниқли ижодкоринг оиласи ҳақида билиш ҳам муҳлисларни ғоятда қизиқтиради...

- Худого шукр, ота-онам соғ-саломатлар. Кексалик гаштини суриб, роҳат-фароғатда яшашмоқда. Рафиқам Нафиса Азимова уй бекаси, фарзанд-лар тарбияси билан машғул. Икки ўғил, икки қизимиз бор. Ширинтой неварамиз ҳам анча катта бўлиб қолди. Уларнинг соғ-омонлиги, қувончу шодлиги мен учун ҳаммаша улкан бахт-саодат, албатта...

Маҳмуджон Азимов билан суҳбатимиз узоқ давом этди. У саябат соҳасидаги муаллифлик ҳуқуқлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирлари хусусида, шунингдек, буюк Соҳибқирон бобомизнинг «Темир тузуқлари» асари, Бурҳониддин Марғинонийнинг илмий мероси, бугунги қонунчилигимиз, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги интилишларимиз ғоятда аҳамиятли эканлиги тўғрисида тўлқинланиб гапирди.

«Хукук» муштарийларига қандай тилақларингиз бор?» деган саволимга жавобан Маҳмуджон ака қўлини кўксига қўйганча шундай деди:

- Уларга масъулиятли ишларида доимо муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ёр бўлсин. Ўзим, оилам, дўстларим номидан уларга чексиз миннатдорчилик билдираман.

Тўлқин РАҲИМОВ
суҳбатлашди

СПОРТ

ТЕННИС:

КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимиз пойтахтида яна бир улкан спорт байрами- «Президент кубоги» аънавий теннис турнири бошланди. Еттинчи бор ўтказилган мазкур мусобақа айни пайтда ҳар бир профессионал теннисчи иштирок этишни озуқилидиган турнирлар қаторига кириб улгурди.

Мусобақа географияси кенгайди. Бу гал Юнусобод теннис мажмуида жаҳоннинг 20 га яқин мамлакатидан келган теннисчилар, жумладан Франция, Россия, АҚШ, Хорватия, Голландия, Буюк Британия, Италия, шунингдек Таиланд, Арманистон, Финляндия, Испания, Исроил, Швеция, Бразилия, Австралия, Швейцария, Марокко, Беларусь, Қозғоғистон, Югославия, Австрия каби мамлакатлар теннисчилари

ғолиблик учун кураш олиб боришди. Шунинг ўзиде «Президент кубоги» турнирининг нуфузини кўрсатиб турибди.

Бу гал ҳам Тошкентга ҳақиқий теннис юлдузлари ташриф буюришди. Евгений Кафельников ва Марат Сафинлар қаторида сайёрамизнинг кучли теннисчиларидан Седрик Пюлин (АТР - Тош рейтинг буйича 10-ўрин), Юнес Ель Айнау (Марокко, 22-ўрин), Грег Руседски (Англия, 34-ўрин), Джером Голмард (Франция, 48-ўрин), Карлос Мойя (Испания, 55-ўрин), Харел Леви (Исроил, 68-ўрин) лар ўз маҳоратларини намойиш этидилар.

«Президент кубоги» турнири Қўшма Штатларда бўлиб ўтган «US

ореп» турнири ва Сиднейда ўтказилган Олимпия уйинлари оралиғидаги қисқа муддат ичида бўлиб ўтаётгани унинг нуфузига ҳеч бир салбий таъсир кўрсатмади, дейиш мумкин.

Яна бир нарсаси, ушбу мусобақага бўлган қизиқиши сабабли АРТ - Тошнинг ижрочи директори Марк Д. Майлс ҳам Тошкентга ташриф буюрди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай ҳолат биринчи марта юз берди. Чунки АРТ - Тош ижрочи директори «US оrep» турнирининг финалини ҳам кутмасдан Тошкентга — АРТ - Тош серияси бўйича жаҳоннинг 32 мамлакатидан ўтказилган турнирлардан бирига етиб келди.

Риштонда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллиги байрами муносабати билан туман ташкилот, корхона, муассаса ва хўжалик раҳбарлари иштирокида теннис бўйича мусобақа ўтказилди.

Мусобақа август ойининг сўнгги кунларида Бурхониддин Ар-Рошидоний Ал-Марғинович номи туман истироҳат боғидаги теннис кортида бўлиб ўтди.

Мусобақани туман ҳокими Адхамжон Мираҳмедов очиб, иштирокчиларни мустақиллик байрами билан табриклаб, уларга муваффақиятлар тилади.

Мусобақа қизиқарли ва кескин бўлиб ўтди. Биринчи ўринни туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Жуманазар Исаков, иккинчи ўринни туман мудофа бўлими бошлиғи, майор Миродил Суяров, учинчи ўринни туман халқ таълими мудири ўринбосари, туман теннис федерацияси раиси Фуломжон Манноновлар эгаллашди.

Мусобақа ғолиблариға туман ҳокимлиги ва ҳокимий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Мусобақа иштирокчиларда ва теннис ишқибозларида катта таассурот қолдирди.

Қутловлар

Хурматли ҳамкасбимиз
Илҳомжон Гулматов!

Сизни 25 ёшга тўлишингиз муносабати билан муборакбод этамиз. Сизга битмас-туганмас бахт, мустақкам соғлиқ, узок умр тилаймиз.

Бойаут тумани халқ таълими бўлими ходимлари

Суюкли асал набирамиз
Дурдонахон Ойбек қизи!

7 ёшинг муборак бўлсин. Сенга узок умр, сийҳат-саломатлик, кувноқ кайфият, порлоқ келажақ тилаймиз. Оллоҳ ҳаммиса ёмон кўзлардан ас-расин. Келажақда эл-юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб етишингга тилақдошимиз.

Буванг Бахтиёр, ойижонинг
Ҳалима, Гофуровлар оиласи
Тошкент шаҳри

ТЕЛЕАНОНС

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бирлашган тахририяти қошида иш бошлаган телегуруҳнинг галдаги «Қонун ҳимоясида» кўрсатуви эфирга тайёрланмоқда. Кўрсатувнинг навбатдаги сониди Андижон вилояти прокуратурасининг қонунчиликни мустақкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, хавфсизликни таъминлаш борасида олиб бораётган фаолияти хусусида сўз юритилади.

Кўрсатув 18 сентябрь кунин Ўз ТВ1 кечки дастурларида намойиш этилади.



Менга йўл беринг...

Н. МАҲМУДОВ сурати

БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

- Дўхтир бир нарсаси сўрасам майлими?
- Марҳамат.
- Сиз беш йил бурун менга «бод касалига чалинибсиз, сувдан узокроқ юринг» деган эдингиз. Энди ҳаммомга тушсам бўладими?

Она: - Қизим, у сени ўпмокчи бўлса, бунга йўл қўя кўрма!
Қиз: - Ойижон, у мени ўпмокчи бўлмаса-чи?

Бир киши расмчининг олдига бориб:

- Тез сувратимни ол! - дебди-да фотоаппаратга орқасини ўгириб турибди.

- Нега тескари турибсиз?

- Расмини аразлашиб қолган ошнамга юбораман.

Курортда эркак ва аёл танишади.

- Менинг хонамга қирайлик, магнитофондан куй эштамиз.

- Яхши, фақат бир шарт билан - куй тинглаймиз, холос.

- Албатта.

- Борди-ю менга ёқмаса-чи?

- Унда турасан-у, кийиниб, чиқиб кетасан.

Арман радиосидан сўрашибди:


- Хуштор нима дегани?

- Эрининг хўжалик ишлари бўйича муовини.

- Нега бу одам ҳар мулоқишда бир тўхтаб олади.

- Бу менинг қўшим. Тарки одат амри маҳол. У ўн йил мобайнида шу йўл бўйлаб итини сайр қилдирган.

КРОССВОРД



Эниго:

1. Кишиларга ўғит бўла оладиган кичик мажозий ҳикоя. 6. Тағсиз-тубсиз чуқурлик. 10. Қўша-қўша либосли сабзавот. 12. Қорақалпоқ шоири Бердимурод Қарғабой ўғлининг тахаллуси. 13. Қадимда Юнонистоннинг жануби-шарқидидаги вилоят. 14. Илгари мадрасада ўқиган талабага қўйилган ўрта баҳо. 15. Сўнгий йўл билан ҳосил қилинадиган чуқур уйку. 17. Сўров варақаси. 18. Тасвирий санъат жанри. 24. «Капитан грант болалари» асари муаллифи, фаранг ёзувчиси. 25.-Қуёшга томон қанот боглаб учган эртақ қаҳрамони. 26. Вагон типидидаги кўп ўринли автоулов. 28. Кучли қуюннинг амриқоча номи. 29. Обрупадаги давлат пойтахти. 30. Худонинг амрини бажаришдан бош тортиш. 34. Ороллар тизими. 38. Перудаги дарё. 39. Ўзбек халқ достони. 40. Одиссей ватани. 42. Рўйхат тузиш ва қўлёзмаларни кўчириш билан шуғулланувчи шахс. 43. Мевали бута ўсимлиги. 44. Бирор жойнинг ўзига хос об-ҳаво шароити. 45. Ўз маркаси билан товар ишлаб чиқариш ҳуқуқиға эга бўлган савдо муассасаси. 46. Якка туёқли ҳайвонларда бўладиган юқумли касаллик.

Бўйига:

2. Қадимий Рим мифологиясида тонг ёғдуси маъбудаси. 3. Чатқол ва Қизилтўр тизмалари орасидида довол. 4. Аёллар қомати таққосланадиган даряхт. 5. Бировга ёқиш учун юз-кўз билан қилинган нозли ҳаракат. 7. Савдотик билан шуғулланиш учун руҳсат берилганлиги ҳақидаги ҳужжат. 8. Ҳарбий хизматчи. 9. Нашрларга пул тўлаб ёзилиш. 11. Фақат маршал, генерал, полковниклар қиядиган иссиқ қишки бош кийими. 16. Ҳиндистонда инглиз мустамлакачилари фойдасига жорий қилинган солиқ системаси (18-аср охири). 17. Ўрта Осиёға келиб маҳаллийлашиб кетган араб уруғи. 19. От-улов абзали. 20. Баъзи ўсимликларнинг кузда ҳавода сузиб юрадиган ўргимчак уйсига ўхшаш спора ташувчилари. 21. Машхур ҳинд шохмёт устаси. 22. Қадимий ва энг содда оёқ кийими. 23. Ички туёғу-кечинималар тўлқини. 27. Бразилиялик футбол «қироли». 31. Бир-биридан иқлим билан фарқ қиладиган ер юзининг ҳар бир бўлағи. 32. Ҳайвонларнинг энг айёри. 33. Тошкентда вафот этган машхур ҳинд давлат арбоби. 34. Турли нарсалар ёпиштириладиган қалин муқовали дафтар. 35. Саҳрои Кабирдаги тошқоқ қўл. 36. Зўр истак, хоҳиш. 37. Самолёт, вертолёт турадиган ва таъмирланадиган жой, иншоот. 41. Ўрта Ер денгизидидаги орол.

Тузувчи Т. УМАРОВ